

# SAIGA NEWS

Экология ва сайгоқни сақлаш масалалари бўйича ахборот алмашиш учун 6 тилда чоп этилади



Н. Аршлова сурати

## Браконьерлар қўлидан ҳалок бўлган Улдис Кнакис хотирасига (1939 – 1970)

... Ўша ҳалокатли сентябр эртаси Улдис Кнакис ҳайдовчи П.Волохов билан бирга сайгоқларни ҳисобга олишга чиққан эди. Ёғоч топографик вишканинг энг юқорисига чиқиб Кнакис чўлда машинани кўрди. Браконьерларга яқинлашишга иложи бўлмади. Қувгинни сезиб, браконьерлар қочдилар. Браконьерларнинг юк машинасини фаралар билан ёритиб Кнакис чиқиб турган сайгоқ оёқларини кўриб қолди. Кета олмаслигини тушинган браконьерлар милтиқларини инспекторларга қаратдилар... Кнакис жанговар дўстининг елкасига йиқилди. Ўқ яраси ҳалокатли эди.



Улдис Кнакис

2010 й. 26 сентябрда Улдис Кнакиснинг фожиали ҳалокатига 40 йил бўлди. Иркутск қишлоқ хўжалиги институтини тамомлаб у қалмиқ чўлларида овшунос бўлиб ишлаган ва бу ерда сайгоқни муҳофазаси бўйича мамалакатда биринчи махсус отрядни яратган. Ўшанда, олтмишинчи-етмишинчи йилларда браконьерлар ҳайвонларни юзлаб, минглаб қирган. Машиналарда милтиқлардан отиб, ҳолдан тойдирган.

Оҳури 2 бетда

# МУНДАРИЖА

## Асосий мақола

Ю.Арилов Браконьерлар қўлидан ҳалок бўлган Улдис Кнакис хотирасига (1939 – 1970)..... **1**

## Янгиликлар

Э.Дж.Милнер-Гулланд

Кўчиб юривчи турлар бўйича Конвенция доирасида Сайғокни сақлаш бўйича ҳамжихатлик Меморандумини имзолаган тарафлар 2чи Кенгашининг муваффақияти..... **3**

Р.Дженкинс

Хитой сайғокни сақлаш ва ундан барқарор фойдаланиш жараёнига қўшилмоқда ..... **4**

Э.Дэнсер

Табиатни муҳофаза қилиш бўйича WCN ҳар йилги кўргазмаси ..... **5**

## Матбуотдан:

Устюрт ландшафтларини сақлаш бўйича трансчегара лойиҳанинг музокараси.

Сайғок муҳофазаси бўйича Қозоғистон ҳукумати кўрган чоралар.

Браконьерликни олдини олишнинг янги ҳоллари.

Қалмоғистон ва Хитойдан янгиликлар.

## Мақолалар

А.Р.Салемгареев, О.К.Шаймуханбетов, Ш.Цутер, С.Л.Склярченко

2009-2010 йй. сайғокнинг бетпақдала популяциясини йўлдош орқали кузатишнинг натижалари ..... **11**

М.Браун, Н.Сингх

Жамоа бошқаруви ёндашиши сифатида ўлжа овининг мумкин бўлган қўлланилишини ўрганиш..... **12**

А.В.Проняев

Шимолий-Ғарбий Каспий олди сайғок популяциясининг ҳолатини баҳолашга ..... **14**

Е.А.Бикова, Есипов А.В.

Ўзбекистонда 2009-2010 йй учун Устюрт сайғок популяцияси жамоа мониторингининг натижалари..... **16**

М.К.Сапанов

Волга-Урал оралиғида сайғоклар нобуд бўлиши жумбоғи... **17**

Д.Санжматав

Табиатни муҳофаза қилиш фаолиятини режалаштириш учун "Биосан" дастури..... **18**

Фенглиан Ли

Гуанчжоуда сайғокни сақлаш муаммоси бўйича сўров..... **19**

## Сайғокни - улар ҳаётининг мазмуни

Профессор Аманкул Бекенов – Сайғокни сақлаш бўйича Альянснинг биринчи Фахрий аъзоси..... **20**

Лойиҳалар шарҳи ..... **21**

Янги нашрлар ..... **24**

Оҳири (бошл. 1 бетда)

Браконьерликнинг бу тури билан курашиш жуда мураккаб бўлган - инспекцияни кўрган браконьерлар деярли ҳар доим қочишга улгурган. Чўлда юзлаб километрларга ўтказилган суғориш каналларида сайғоклар кўплаб қирилган. Махсус ўтиш жойларини куриш курувчиларнинг ҳаёлига келмаган, ва, бетонланган қопқонга тушган жониворлар ундан ҳеч қандай чиқолмаган.

Босма нашр саҳифаларидан Кнакис сайғокларни химоясига шошилиш чоралар кўришга чақирган, браконьерларни жазога тортишни талаб қилган ва мақсадига эришган. Яхши жихозланган махсус инспекция отряди тузилди ва сайғоклар учун суғориш каналларидан ўтиш жойларининг курилиши бўйича алоҳида чоралар кўрилди. Улдис Кнакис олдида катта режалари бор эди, бироқ унинг ҳаёти браконьерлар қўлидан 31 ёшда узилиб қолди. Қотиллик очилмай қолди.



Юрий Арилов сурати

Улдис Кнакисга қўйилган ёдгорликнинг реконструкцияси.

Унинг фожиали ҳалокати жойи, Юстин районида ёдгорлик қўйилган эди. Иркутск қишлоқ хўжалиги институтида У.Кнакис номидаги Жанговар ёшлар дружинаси ташкил этилган. Бу йил Сайғокни сақлаш бўйича Альянс қалмиқ ҳамкасбларинининг ёдгорликни янгилаш ва эсдалик мармар плитасини ўрнатиш бўйича ташаббусини қўллаб қувватлади.

Қушимча маълумот учун, марҳамат, Ю.Н.Ариловга мурожаат қилинг, [kalmsaiga@mail.ru](mailto:kalmsaiga@mail.ru).



# Янгиликлар

## Кўчиб юривчи турлар бўйича Конвенция доирасида Сайғоқни сақлаш бўйича ҳамжихатлик Меморандумини имзолаган тарафлар 2чи Кенгашининг муваффақияти

Э.Дж. Милнер-Гулланд

Империял Коллеж Лондон, АСС, [e.j.milner-gulland@imperial.ac.uk](mailto:e.j.milner-gulland@imperial.ac.uk)

Сайғоқни сақлаш, тиклаш ва ундан турғун фойдаланиш бўйича Меморандум (ХМ) Кўчиб юривчи турлар Ковенцияси (КМВ) доирасида 2006 й. сентябрда кучга кирди. Биринчи йиғилишда яқин келажакдаги беш йилга, мақсади сайғоқ сонининг камайишини тўхтатиш, иложиси бўлса – орқага қайтариш бўлган, ўрта муддатли халқаро ишчи дастур (СМРП) бўйича келишувга эришилди. 2010 йил 7-10 сентябрда бажарилган ишлар натижаларини баҳолаш ва кейинги беш йилга янги ўрта муддатли халқаро ишчи дастур бўйича келишиб олиш ҳамда бир қатор бошқа масалаларни кўриб чиқиш учун ХМ имзолаган тарафлар ва сайғоқ бўйича экспертлар Мўғулистон, Улан-Баторда яна учрашдилар.

Учрашув ҳамкорлик ва умумий мақсадни тушиниш, ҳамда саволлар музокараси ва битимга эришишда очиклик шароитида ўтди. Шубҳасиз бу очиклик самарали ва бирлашган фаолият туфайли сайғоқни сақлаш ишида ижобий натижалар беради. Ҳар бир неча йилда одамлар КМВ ҳимоясида шахсан учрашиб тура олиши, масалаларни юзма юз музокара қилиши ва келишувга эришишининг ўзи, муҳофаза самарадолиги яхшиланишининг муҳим омили бўлади.

Биринчи икки кун давомида техник семинар ўтказилди, унда иштирокчилар КМВ Котибиятининг топшириғи билан учрашувга Сайғоқни сақлаш бўйича Альянс (АСС) ва КВВ/МСОП (табиатни муҳофаза қилиш бўйича, турларнинг омон қолиши бўйича Халқаро Иттифоқ Комиссияси) антилопалар бўйича мутахассислари гуруҳи билан биргаликда тайёрлаган ҳужжатларни муҳокама қилдилар. Ҳужжатлар сайғоқ ҳолати тўғрисида **обзорли** ҳисобот, СМРП бажарилиши бўйича ҳисобот ҳамда 2011-2015 йй. даврига СМРП лойиҳасидан иборат эди. Учрашув иштирокчилари 9-10 сентябрда ҳужжатларни, ХМ имзолаган тарафларнинг расмий учрашувида қабул қилинишидан олдин, анча яхшилашга ёрдам берган, батафсил ва аҳамиятли изоҳлар бердилар. Техник учрашувда экспертларнинг СМРП турли моддаларининг бажарилиши бўйича ютуқларни намоиш этадиган презентациялари тақдим этилди.



ХМ КМВ учрашувининг очилиши.



Мўғулистон, АСС ва АСБК томонидан ХМ имзоланиши.

Мониторингнинг ишончли маълумотларини олиш бўйича жиддий муаммолар ҳали ҳам бўлсада, бешта сайғоқ популяциясидан тўрттасида 1990чи – 2000чи йилларнинг бошида кузатилган сонининг сезиларли қисқариши тўхтатилгани, айрим ҳолларда эса популяциянинг тикланиш белгилари маълум бўлганидан далолат бор. Устюрт популяцияси ҳали ҳам аҳамиятли антропоген исканжа остида қоляпти ва шошилиш чоралар кўрилмаса, бу популяция йўқ бўлиб кетиши мумкин. Сайғоқнинг Россия ҳудудида яшайдиган популяцияси ҳам оғир вақтларни кечирмоқда, урал популяцияси эса ҳайвонларнинг ялпи нобуд бўлиши натижасида жиддий талофат кўрди. Шундай бўлса-да, СМРП кўп моддалари, жумладан жамоатчиликни жалб этиш, савдо, мониторинг ва ҳудудий муҳофаза бўйича сезиларли тараққиёт кузатиляпти. Баъзи бир популяциялар бўйича ташвишланишга қарамай, ҳужжатлар ва маърузалар ХМ имзолаган тарафларнинг биринчи учрашувидан бошлаб сайғоқни муҳофаза қилиш жараёни қанча узоққа силжигани ва барча жалб этилган тарафлар нима билан фахрланиши мумкинлигини аниқ намоиш этди.

Шунингдек учрашув сайғоқни сақлашга бошқа йўналишларда ҳам тurtки берди. Мўғулистоннинг сайғоқ ареали мамлакати сифатида киритилиши жуда муҳим ва ўз вақтида бўлди, бу энди фақат tatarica кенжа турини эмас балки бутун Saiga уруғини қамраб оладиган Ҳамжихатлик Меморандумининг кенгайиши билан тўғри келди. Иккита янги иштирокчи Меморандумни ҳамкорлик қилаётган ташкилотлар сифатида имзолади, бу – Сайғоқни сақлаш бўйича Альянс ва Қозғистон биохилма-хилликни сақлаш ассоциацияси (АСБК). Иккала ташкилот ҳам бир неча йил давомида турни сақлаш бўйича фаол иш олиб бормоқда. КМВ Котибияти илтимосига кўра, улар ХМ бажарилишининг биргаликда мувофиқлаштириш механизминини ишлаб чиқди.

КМВ учрашувидан сўнг, Сайғоқни сақлаш бўйича

Альянс ҳар йилги йиғилишини ўтказди, унда АСБК директори Ольга Климанова АСС Бошқармаси аъзоси сифатида таклиф қилинди, профессор Аманкул Бекенов эса, Альянснинг Фахрий аъзоси қилиб сайланди (қуй. қар.).

КМВ кенгаши фақат учрашувни ташкиллаштириш бўйича эмас, балки делегатларни самимий кутиб олиб, ажойиб ишни бажарган, WWF-Мўғулистон томонидан ўтказилди. Ўрмончилик хўжалиги Вазирлиги томонидан Мўғулистон дашт-сахро кенгликларининг кўринишида очиқ ҳавода, анъанавий ашула ва рақслар билан кечган ажойиб тушлик ташкил қилинди, бу конференц-залда бир неча тун ва кун каттиқ ишдан сўнг зўр танаффус

бўлди! Мен кенгашдан иштирокчилар сайғоқни қутқаришга сарфлаган кучлари жойларда реал ютуқлар билан мукофотланганининг туйғуси билан кетдим. Сайғоқни сақлаш эътибор бу турнинг ролига кенгрок экологик ва ижтимоий нуқтаи назарда қилинган, янги даврга силжиди. Учрашув олдимизда ҳали ҳам турган асосий муаммоларнинг ечилишига яқинлаштирди.

*Муҳаррир эслатмаси:* учрашувнинг барча хужжатлари [http://www.cms.int/species/saiga/2ndMtg\\_Mongolia/2nd\\_saiga\\_range\\_states\\_meeting.html](http://www.cms.int/species/saiga/2ndMtg_Mongolia/2nd_saiga_range_states_meeting.html) да.

## Хитой сайғоқни сақлаш ва ундан барқарор фойдаланиш жараёнига қўшилмоқда

*Роберт Дженкинс*

Турларни бошқариш бўйича мутахассис, [hank.jenkins@consol.net.au](mailto:hank.jenkins@consol.net.au)

Сайғоқни сақлаш ва ундан барқарор фойдаланиш бўйича халқаро семинарда Хитой халқаро жамоатчилини бу турнинг сақланишига қаратилган ҳаракатларига ўз хиссасини қўшиш ниятини намоиш этди.

Урумчи (Синьцзян-Уйғур автоном округи) шаҳрида 2010 й. 27-29 сентябр кунлари ўтказилган семинар Синьцзян-Уйғур АО Ўрмон хўжалиги бошқармасининг ёрдамида, СИТЕС Маъмурий органи томонидан Кўчманчи турлар бўйича Конвенция (КМВ) ҳамда Фауна ва флора йўқолиб бораётган турларининг халқаро савдоси бўйича Конвенция (СИТЕС) Котибиятлари билан биргаликда ташкил этилди.

Қозоғистон, Мўғулистон, Россия Федерацияси ва Ўзбекистон делегатлари сайғоқ ареали мамлакатларининг вакиллари бўлди. Урумчидаги семинар сайғоқни сақлаш, тиклаш ва ундан барқарор фойдаланиш масалалари бўйича ҳамжихатлик Меморандумини имзолаган тарафларнинг иккинчи учрашуви бўлди. Бу ерда 2011-2015 йй. сайғоқ бўйича янги Ўрта муддатли халқаро ишчи дастур қабул қилинди (юқ. қар.).

Семинар ҳукумат мансабдор шахслари ҳамда иккита халқаро конвенция вакиллари билан бир-бири билан саломлашишидан бошланиб сайғоқни сақлашнинг турли жиҳатларини ақс эттирадиган асосий мақолалар билан давом этди. Улардан сўнг ареал мамлакатлари вакиллари билан, бу мамлакатларнинг ҳар бирида тур муҳофазасининг замонавий ҳолати, унинг муҳофазаси учун қилинаётган ҳаракатлар ва шунингдек улар тўқнашаётган муаммоларни ёритган маърузалари



Ж. Янсане сурати

Семинарнинг пленар йиғилиши.

тақдим этилди. 2007-2011йй. ишлаб чиқилган Ўрта муддатли халқаро ишчи дастурни бажариш мақсадида ҳамжихатлик меморандумини имзолаган давлатлар (Қозоғистон, Мўғулистон, Россия Федерацияси, Туркменистон ва Ўзбекистон) сайғоқнинг муҳофазасини яхшилаш ва унинг тикланишини тезлаштириш бўйича (масалан, ўрганиш ва мониторинг, браконьерлик билан курашишни кучайтириш, маҳаллий аҳолига маърифат тарқатиш соҳасида) бир қатор чоралар кўрди.

Хитойнинг СИТЕС Маъмурий органи сайғоқ шохларини ноқонуний олиб ўтилишига чек қўйиш ва қонун ишлатилишини кучайтириш учун қабул қилинган чораларни ишлаб чиқди. Мамлакатда сайғоқ шохининг қонуний заҳиралари ҳисобга олинди, шохларни оператив назорат қилиш имконияти билан улар рўйхатга олинди, код билан таъминланиб контейнерларда муҳрланди. Хитой анъанавий медицинасининг таркибига сайғоқ шохининг компонентлари кирадиган дориларини ишлаб чиқарадиган компаниялар дори кутисида коди бир мартали бўлган маркировкани жойлаштириши шарт. Ҳукумат томонидан ўрнатилган квоталарга мувофиқ, аҳоли фақат тегишли маркировкаси бор дориларни сотиб олиши мумкин.

Сайғоқ шохлари бир қатор анъанавий фармацевтик маҳсулотларнинг муҳим компоненти бўлади. Демак, семинарда сайғоқ шохининг асосий истеъмолчиси сифатида, анъанавий медицина воситаларини ишлаб чиқарувчи саноат вакиллари билан иштироки жуда ўринли бўлди. Сайғоқ шохини қандай қадар кассаликларни даволашда қўлланилишини сўзлаб, компания вакиллари ҳозирги вақтда таркибига сайғоқ шохининг компонентлари бор дори маҳсулотларининг рўйхатини



Ж. Янсане сурати

Урумчида семинар сессиясининг очилиши.



кўриб чиқаётганини ва унинг ўрнини босувчи моддаларнинг самарадорлигини ўрганиш мақсадида текширувлар олиб борилаётганини маълум қилдилар. Хитой тарафи сайёғкни табиатда сақланиши ва ундан барқарор фойдаланишда ёрдам бериш ниятини билдирди.

Семинарнинг иккинчи куни қуйидагиларни батафсил кўриб чиқиш учун иккита ишчи гуруҳ тузилди: 1) ёввойи ҳайвонларнинг муҳофазасига ва уларнинг ресурсларинини бошқаришга қўйилган талаблар, ҳамда 2) барқарор фойдаланиш ва савдони тартибга солиш. Бир қатор фойдали муҳокамалардан сўнг умумий йиғилишда иккала ишчи гуруҳ ҳам ҳисобот тақдим этди.

Семинар яқинда жойлашган Тянь-Шан ёввойи ҳайвонлар боғига ташриф билан якунланди. Экспозиция билан танишгандан сўнг, делегатларни меҳмонлар учун миллий таомлардан зўр зиёфат уюштирган, Синьцзян-Уйғур АО губернаторининг ўринбосари ж-б Ян Ган қабул қилди.

Урумчидаги семинар, 2011 – 2015 йй. даврига КМВ ишчи дастурида кўрсатилган бир қатор ҳаракатлар аниқланган, жуда муҳим форумнинг ўтказилиши учун майдонча бўлиб қолди. Бундан ҳам муҳимроғи – семинар илк бор сайёғк ареалининг мамлакатлари, ҳамда хитой анъанавий медицинаси воситаларини ишлаб чиқарувчи медицина саноатининг вакилларини йиғди. Бу тадбир келажакда биргаликдаги фаолият ва ҳамкорликни ўрганиш учун биринчи муҳим кадам сифатида барча иштирокчилар орасида фикр алмашинувиға ёрдам берди.

*Семинар ишининг натижалари бўйича қисқача ҳисобот ва унинг тавсиялари рус ва инглиз тилларида CMS сайтида жойлаштирилган:*

[http://www.cms.int/news/PRESS/nwPR2010/10\\_oct/nw\\_Saiga\\_151010.htm](http://www.cms.int/news/PRESS/nwPR2010/10_oct/nw_Saiga_151010.htm).

## Табиатни муҳофаза қилиш бўйича WCN ҳар йилги кўргазмаси

Энтони Дэнсер

[anthony.dancer09@imperial.ac.uk](mailto:anthony.dancer09@imperial.ac.uk)

2010 йил 28 сентябрдан 3 октябргача АКШ, Калифорния, Сан-Франциско, Бэй Эреда ёввойи табиатни сақлаш тармоғи (WCN) ташкил этган тўққизинчи ҳар йилги кўргазма бўлиб ўтди. Сайёғкни сақлаш бўйича Альянс тўрт йилдан ортиқроқ WCN шериги бўлади, бу Альянсга маблағ йиғишда, касбий тажрибага эга бўлишда ёрдам беради, гуруҳда ишлаш ва натижаларни халқаро даражада тақдим этиш учун шароитлар яратади. Кейинги йилда ишлаш учун маблағ тўплашга ёрдам берадиган ажойиб ва ҳар томонлама тадбир – ҳар йилги кўргазмада ССА иштирок этиши энг муҳим ҳодисадир.

Кўргазма ҳафтаси учта босқичга бўлинади: табиатни муҳофаза қилиш ташкилотлар-шериклар учун бир қатор семинарлар, донорлар учун иккита қабул маросими



М. Варон сурати

WCN кўргазмасига келганлар.

Ва жамоа ташрифига очик бўлган, кўргазманинг ўзи. Семинар мавзулари турлича бўлди – маркетинг ва маблағ йиғиш усулларида табиатнинг муҳофазасида интернет-технологияларидан фойдаланишгача. Бу кичик табиатни муҳофаза қилиш гуруҳлари томонидан анъанавий фойдаланилмайдиган, бироқ маблағлар ўзлаштирилиши, ҳамда операцион фаолиятнинг сезиларли яхшиланишига ва, натижада, диққат-эътиборини бевосита тур муҳофазасига қаратиши учун экологларнинг озод бўлишига олиб келадиган усуллар билан чуққурак танишишга имкон берди.

Донорлар иштироки билан ўтказилган иккала қабул маросими ҳам, Бэй Эреанинг таниқли одамларини ва улар қувватлайдиган табиатни муҳофазалаш ташкилотларининг вакилларини бирга йиғиб жозибали бўлди. Ноёб турлар ареалининг мамлакатларида ишлаётган инсонлар билан бевосита мулоқот алоқалар боғлашга ва молиявий ёрдам, айнан, унга кўпроқ муҳтож бўлган жойда кўрсатилишига ишонч ҳосил қилишга ёрдам берди. Шунингек бу тадбирлар, халқаро жамоатчиликда йўқ бўлиш ҳавфи остида турган турларнинг сақланишига катта қизиқиши борлигини кўрсатди.

Кўргазма куни жамоатчилик баъзилари тўғрисида билмаслиги ҳам мумкин бўлган, ҳавф остидаги



М. Варон сурати

Елена Бикованинг Сан-Францискода презентацияси.

оширишга имкон берди. Дам олиш кунлари ўтган кўрғазмага мингдан ортиқ меҳмонлар ташриф буюришди.

Экологларнинг презентациялари (жумладан ССА дан Елена Бикованинг презентацияси ҳам) [http://wildlifeconservationnetwork.org/events/expo\\_videos.html](http://wildlifeconservationnetwork.org/events/expo_videos.html) вебсайтида жойлаштирилган. Бу йил кўрғазма ишида актёр, эколог ва ёввойи табиатни сақлаш бўйича БМТ яхши ният элчиси Эдвард Нортон иштирок этди. Барча тадбирларда ж-б Нортоннинг иштироки, шубҳасиз, мақсадли турлар ва WCN тармоғининг ишига оммавий эътиборни қаратишга ўз хиссасини қўшади.

Кенг омма ва донорлар, шунингдек кўп эски кадрдонлар томонидан катта қизиқиш уйғотгани сабабли, бу йил кўрғазма сайёғкни сақлаш ва ССА учун яна омадли бўлди. Бизга саховатли моддий ёрдам кўсатган барча инсонлардан миннатдоримиз. Шунингдек биз WCN ходимлари ва волонтерларига, уларнинг бу гўзал турнинг скланишига қўшган бебаҳо ёрдами учун миннатдорчилик билирмоқчимиз.



М. Варон сурати

Эдвард Нортон Лос Альтосда Чарли Ноулзнинг уйида қабул маросимида нутқ сўзлапти.

## Матбуотдан

### Ўзбекистон ва Қозоғистон сайёғк муҳофазаси соҳасида ҳамкорлик тўғрисида келишиб олди

2010 й. 20 августда Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов сайёғк сонини муҳофаза қилиш, қайта тиклаш ва барқарор ривожлантириш бўйича Қозоғистон Республикаси билан ҳукуматлараро битимни тасдиқлади. Битим 2010 й. 17 мартда Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг Ўзбекистонга бўлган ташрифи доирасида имзоланган эди. Битимга мувофиқ, тарафлар давлатларининг ҳудудларида миллий қонунчилик меъёрлари асосида сайёғк бошини муҳофаза қилиш, қайта тиклаш ва барқарор ривожлантириш бўйича тадбирларни мустақил амалга оширадilar. Тарафлар сайёғк популяцияси ҳолатининг мониторингини ташкиллаштиришни кўзда тутадиган келишилган қарорларни қабул қилади ва бунинг асосида табиатни муҳофазалаш тадбирларни режалаштирмоқдалар.

*Батафсил*

<http://www.centrasia.ru/newsA.php?st=1283503140>,

[http://www.regnum.ru/news/fd-](http://www.regnum.ru/news/fd-abroad/ecology/1321545.html#ixzz0yP61F8r)

[abroad/ecology/1321545.html#ixzz0yP61F8r](http://www.regnum.ru/news/fd-abroad/ecology/1321545.html#ixzz0yP61F8r) ва бошқ.

### Устюрт ландшафтларини сақлаш бўйича трансчегара лойиҳанинг музокараси бўлиб ўтди

2010 й. 9-12 августда Ўзбекистон, Тошкентда “Устюрт ландшафтларини сақлаш бўйича ташаббус”ни режалаштириш ва баҳолаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш Давлат Қўмитаси ташкиллаштирган йиғилиш ва шунингдек мониторинг ва табиатни муҳофазалаш ҳаракатларининг самарадорлигини баҳолаш бўйича семинар ўтказилди. Йиғилишнинг асосий мақсади Устюрт биохилма-



А. Есинов сурати

Пол Коулес, Pact Inc. Мониторинг ва табиатни муҳофазалаш ҳаракатларининг самарадорлигини баҳолаш бўйича семинар вақтида, Тошкент

хиллигини сақлаш бўйича ташаббус билан таништириш ва барча манфаатдор тарафларнинг хиссасини аниқлашдан иборат эди. Бундан ташқари, Устюрт биохилма-хиллиги ҳолатига таъсир этувчи сабабларни баҳолаш концептуал моделини аниқлаш муаммоси иштирокчилар томонидан батафсил кўриб чиқилди. Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш Давлат Қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси, халқаро ташкилотлар вакиллари, ҳамда олимлар, жамоатчилик ва журналистлар иштирок этдилар.

ЎзР Давтабқўмитаси, ЎзР ФА Зоология институти, Ўзбекистон қушларини муҳофаза қилиш жамияти, Фауна ва Флора Интернэшнл (FFI) ҳамда Pact Inc. Халқаро НПОлар лойиҳа шериклари бўлади. Музокара ишчан ва конструктив шароитда ўтди.

*Батафсил*

[http://www.econews.uz/index.php?option=com\\_content&view=article&id=703:2010-08-10-09-07-31&catid=1:biodiversity&Itemid=8](http://www.econews.uz/index.php?option=com_content&view=article&id=703:2010-08-10-09-07-31&catid=1:biodiversity&Itemid=8)





КЛОХ сурати

**Пол Хотэм, FFI ва Бакиртбек Дусекеев, КЛОХ ҳамжихатлик тўғрисида ҲМ имзоладилар, Остона.**

2010й. 18-21 октябрда Қозоғистон, Остонада Қозоғистон Республикаси Ўрмончилик ва овчилик хўжалиги Қўмитаси (ЎОХК) ташкиллаштирган ўхшаш тадбирлар ўтказилди. Уларнинг ишида Актюбинск ва Мангистау ўрмончилик ва овчилик хўжаликларнинг област ҳудудий инспекциялари ЎОХК, РГКП «ПО «Охотзоопром» ходимлари, ҳамда Фауна ва Флора Интернэшнл (FFI) ва Pact Inc. Ташкилотлари шунингдек Биохилма-хилликни сақлаш бўйича Қозоғистон ассоциациясининг вакиллари иштирок этдилар. Иш даврида ЎОХК ва FFI ўртасида Устюрт ландшафтларини сақлаш ва хусусан сайғоқнинг муҳофазаси доирасида халқаро институционал ҳамкорлик бўйича Ҳамжихатлик Меморандуми имзоланди.

*Батафсил*

<http://www.oopt.kz/news/detail.php?ID=2436>

“Устюрт ландшафтларини сақлаш бўйича ташаббус” Халқаро ривожланиш бўйича АҚШ Агентлиги(USAID)нинг америка ташкилотлари ва Устувор экотизимларни барқарор ривожлантириш йўли дастури (SCAPES), ҳамда Дарвин Ташаббуси (UK/DEFRA Darwin Initiative) Буюк Британия ҳукуматининг фонди кўмагида бажарилмоқда.

## **Қозоғистон Ҳукумати табиий экотизимларни сақлаш ва тиклаш бўйича дастурни қабул қилди**

ҚР ҳукумати 2010-2014йй. мўлжалланган, бюджети 163,5 миллиард тенгели “Жасил даму” соҳавий дастурни маққулади. Дастур бўйича ишлар бир нечта йўналиш бўйича амалга оширилади: яшил иқтисоднинг ривожланиши, атроф муҳитнинг компонентлари ва соғлиққа антропоген таъсирнинг камайиши, табиий экотизимларнинг сақланиши ва тикланиши, атроф муҳитнинг сифатини бошқариш тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш. Дастур бажарилишининг натижалари бўйича жумладан 2014 йилга сайғоқлар сонининг 10 фоизга кўпайиши кутилмоқда.

*Батафсил*

<http://static.zakon.kz/kazakhstan/183661-zhasyl-damu-programma-sokhraneniya-i.html>.

## **Сайғоқнинг ноқонуний овланишини тўхтатиш – Қозоғистон учун шарафли иш**

Бир қатор ОАВларнинг хабар беришича Қозоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги Вазирлиги сайғоқларни қирганлик учун жиноий жазо чорасини қатъий қилинишига эришмоқчи. Бу тўғрисида 2010 й. 22 ноябрда ўтказилган давлат органлари томонидан тур муҳофазасининг муаммосига умумий ёндашишларни ишлаб чиқиш масаласи бўйича муассасалараро йиғилишда ҚХВ Ўрмончилик ва овчилик Қўмитасининг бошлиғи Ерлан Нисанбаев хабар қилди. Ҳозирги вақтда жарима солиш ёки мулкни мусодара қилиш ҳолатлари бўлса ҳам, браконьерлар шартли жазо билан қутиляптилар. ҚХВда моддий жавобгарлик муқаррарлигига аминдир ва ғайри қонуний йўллари бекитишни таклиф қиляптилар. Бундай фикр ИИБ ва Бош Прокуратурада ҳам мадад топди. ЖКга тўлдиришлар парламентда. Шунингдек ҚР Қишлоқ хўжалиги вазирлиги сайғоқ шохини сотиб олиш тўғрисидаги эълонларнинг босилишини тақиқлашни таклиф қилди. Бир нечта аҳоли пунктида сайғоқ шохини қабул қилиш пунктлари ишлаётгани маълум бўлди. Регионларда 1 килограмм шохнинг нархи (230-340 АҚШ доллари) 35-50 минг. тенгени ташкил этади, Олмаида - 200 минг. тенге (1300 АҚШ доллари). Хитойда бир килограмм шохнинг нархи тўрт минг долларгача ошади. ҚР ҚХВ сайғоқнинг ноқонуний ови бўйича жиноий ишларни терговига кўпроқ эътибор беришини сўраб ИИБга мурожаат қилди. ҚР ҚХВ ЎОХК томонидан РГКП ПО "Охотзоопром" билан биргаликда потенциал браконьерларнинг рўйхатлари тузилган ва Бош прокуратура ва ИИБнинг област тузилиш бўлинмаларига тарқатилган. Ҳайвонларнинг муҳофазаси учун кўчма кордонлар ҳам ўрнатилди.

*Батафсил*

<http://www.centrasia.ru/newsA.php?st=1290498300>,

<http://www.kazpravda.kz/c/1283464537> ва

[http://tengrinews.kz/kazakhstan\\_news/91049](http://tengrinews.kz/kazakhstan_news/91049).

## **Қозоғистонда сайғоқни отиб ўлдирганлик учун озодликдан маҳрум бўлиш мумкин**

ҚР ҚХВ Ўрмончилик ва овчилик хўжалигининг таклифи бўйича Қозоғистонда сайғоқларни ўлдириш, шохларини ва бошқа махсулотларни йиғиш, тайёрлаш, сотиб олиш ва сотиш тақиқи 2020 й. узайтирилади. Бундан ташқари, 2010 й. 23 ноябрдаги ҚР парламентининг йиғилишида ўтказилган “Қишлоқ хўжалиги, ҳайвонот олами ва алоҳида қўриқланадиган ҳудудлар масалалари бўйича баъзи қонун чиқарувчи актларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги” қонун лойиҳасининг муҳокамасида, ҚР ҚХВ вазир ўринбосари Марат Оразаев сайғоқни отиб ўлдирганлик учун озодликдан уч йилга маҳрум бўлиш мумкинлигини айтиб ўтди. Ҳозирги вақтда фақат ҚР Қизил китобига киритилган турларни овлаган браконьерларга озодликдан маҳрум бўлиш жазоси қўлланилади. Қонунчиликка киритилаётган ўзгаришларга мувофиқ, бундай жазо баъзи ҳайвон ва ўсимлик турларини, жумладан сайғоқни қирганлик учун ҳам қўлланилади.

*Батафсил:*

<http://www.kt.kz/?lang=rus&uin=1133168926&chapter=1153528209>.

## Ғарбий-Қозоғистон областида сайғоқни сақлаш бўйича резерват яратилади

ОАВ хабар беришича Урал олида 2010 й. майда пастереллездан жабрланган (*Saiga News, 11 кўр.*) урал популяциясининг яшаш ареалида 2013 йилга Бокейорда-Жайик резервати яратилади. *Батафсилроқ* [http://www.express-k.kz/show\\_article.php?art\\_id=46894](http://www.express-k.kz/show_article.php?art_id=46894).

## Қалмоғистонда сайғоқнинг сони қисқариб бормоқда

“Центрохотконтроль” федерал давлат муассасаси ва Қалмоғистон Республикаси Табиат Вазирлиги экспертларининг хулосаси бўйича сўнгги ўн йилда сайғоқ сони 10 мингга яқин зотни ташкил қилиб, ўн баробарга қисқарди ва қисқаришни давом этяпти. РФ табиий ресурслар ва экология вазири Юрий Трутнев ва Қалмоғистон раҳбари Алексй Орловларнинг 2010й. 22 декабрда ўтказилган ишчи учрашувида Россия Табиат вазирлиги “Чёрные земли” кўриқхонаси худудида муҳофазалаш фаолиятини оптималлаш бўйича регионал вазирликнинг таклифларини кўриб чиқиши ва сайғоқни сақлаш бўйича чоралар мажмуасини тайёрлаши тўғрисида айтилди. *Батафсилроқ* <http://eco.rian.ru/danger/20101222/312103262.html>.

## Shell Қалмоғистонда сайғоқни сақлаш бўйича дастурни қувватлайди

2010 й. 26 августда Россияда йирик хорижий инвестор Шелл концерни (Royal Dutch Shell plc) ва Қалмоғистон Республикасининг Ҳукумати Қалмоғистон худудида сайғоқ популяциясини сақлаш ва тиклаш бўйича тадбирларни қувватлаш тўғрисидаги битимни имзоладилар. Шелл бу турнинг сақланиши бўйича дастурнинг молиялаштирилишига 3 млн. рубл ( 100 минг АҚШ дол. атр.) юборади. Дастур сайғоқнинг давлат учёти, унинг миграция йўллари аниқлаш ва яшаш муҳитининг муҳофазаси, браконьерлик билан курашиш ва аҳоли орасида тушинтириш ишларидан иборат.



Елиста.ORG сурати

ҚР Ҳукумат Раиси Олег Кичиков (чапда) ва Россияда “Шелл” концернининг Раиси Чарльз Уотсон (ўнгда) сайғоқни сақлаш бўйича битимни имзоламоқдалар.

Унинг бажарилишига Қалмоғистон Республикаси Табиий ресурслар, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва энергетикани ривожлантириш Вазирлиги жавоб беради. Битим туфайли Табвазирлиги қошида сайғоқни муҳофазаси бўйича тўртта одамдан иборат бўлми ташкил этилди, автотранспорт ва керакли дала анжомларини сотиб олиш режалаштирилди. Ушбу дастурнинг мониторинги Россия Федерацияси ПРООН томонидан амалга ошириляпти.

*Батафсилроқ* <http://www.elista.org/elista/shell-podderzhit-programmu-po-sohraneni-yu-ischezayuschey-populyatsii-saygaka-v-kalmykii-3.html> ва 20.10.2010й. *г.Қалмоғистон Хабарларида.*

## Қалмоғистонда сайғоққа бағишланган календар презентацияси бўлиб ўтди



Календар фрагменти.

2010 й. 21 декабрда “Сайғоқни – бизнинг тирик меросимизни сақлайлик” календарининг Қалмоғистонда Сайғоқ йилини ўтказилишига тўғриланган презентацияси бўлди. Нашр “Мегафон” компанияси билан биргаликда ҚР Ёввойи ҳайвонлар маркази томонидан тайёрланган. Нашрнинг мақсади сайғоқни сақлаш муаммосига жамоатчилик эътиборини қаратишдан иборат. Ҳар бир календар ойига сайғоқлар ҳаётининг аниқ бир даври тўғри келади. Нашр саҳифаларида Қалмоғистонда таниқли бўлган инсонлар ва халқаро табиатни муҳофазалаш ташкилотларининг вакиллари чўл антилопасига ўз муносабатларини билдирганлар.

Қўшича маълумот олиш учун, илтимос, Ю.Н.Ариловга [kalmalsaiga@mail.ru](mailto:kalmalsaiga@mail.ru) мурожаат қилинг.



## Сайғоқ Гуанчжоуда 3-чи санъат фестивалида диққат марказида

2010 й. октябрда очилиш маросимида 200дан ортик маданият арбоблари, хизматчи ва талабаларни ҳамда кўргазма вақтида 50 минг одам йикқан учинчи санъат фестивали бўлиб ўтди. Ўндан ортик оммавий ахборот воситалири фестивал ишини ёритиб борди. Гуанчжоудаги фестивалнинг ташкилий кўмитаси, Гуанчжоу нафис санъат Академиясининг ҳайвонларни ҳимоя қилиш Ассоциацияси, Дянчуифенг дизайн студияси, Ёввойи табиатни муҳофаза қилиш Жамияти (WCS)нинг кўмагида фестивал учун ноёб ҳайвонларга бағишланган махсус экспозициянинг тайёрладилар.



Фестивалнинг асосий реклама тахтаси.

Санъат тили ёрдамида, визуализациянинг замонавий шаклларида фойдаланиб ёввойи ҳайвонларнинг ноқонуний савдоси уларни қирилиш ёқаси олдига қўйгани тўғрисидаги ғояни етказишга ҳаракат қилинди. Сайғоқ бу экспозиция юлдузларидан бири бўлди. Видеофильмлар, суратлар, жамоат билан бевосита мулоқот чекланмаган эҳтиёж ва сайғоқ шохидан ҳаддан ташқари фойдаланиш Хитойда сайғоқ популяциясини деярли ер юзидан йўқ қилгани ва шунингдек кўшни мамлакатларда унинг омон қолишига таҳдид қилаётганини кўрсатди.

Гуанчжоуда ноқонуний савдо узоқ вақт Хитой ва умуман дунёнинг биохилма-хиллигига асосий таҳдидларнинг бири сифатида ҳисобланган. Контрабанда йўли билан олиб кирилган жонли табиат объектлари, жумлари сайғоқ шохлари ҳам овқатта ишлатиш учун, уйда боқиш учун, декоратив безак ва дорилар сифатида Гуанчжоу бозорларида сотилган.

Қўшимча маълумот учун, илтимос, Фенглиан Ли, WCS China билан боғланинг. [fli@wcs.org](mailto:fli@wcs.org).



МСОП Қизил Рўйхатига киритилган, ноёб ҳайвонларга бағишланган экспозиция.

## Хитойда ноёб ҳайвонларни кузатиш Марказида 24та сайғоқча катта бўляпти



Ганьсуда Ноёб ҳайвонларни кузатиш марказида сайғоқ подаси болалари билан.

1987 й. Хитойда Тенггер саҳросининг жанубий чеккасида Ноёб ҳайвонларни кузатиш маркази ташкил этилганда, сайғоқлар у ерга олиб келинган ноёб ҳайвонларнинг биринчиси бўлди. 1993 йилдан сайғоқларнинг вольераси 30 гектарга кенгайди ва ҳайвонлар бу ерда эркин озиклана олади. 20 йил давомида тутқинликда кўпайтирилаётган популяция соннинг кучли тебранишларига мойил. Ҳайвонлар боши 1997 йилда 33 зотгача ошиб, кейин 2000 йилда 9 зотгача тушиб кетди. Сўнгги йилларда вазият яхшиланди. 2009 йилда 22 сайғоқча дунёга келди, 2010 й. эса - 24. Популяция сони 80 зотгача кўпайди, жинслар нисбати 1:1 ташкил этди. Дастлабки ҳайвонларнинг кичик сони ҳамда табиатга мумкин бўлган реинтродукциясини ҳисобга олиб, Марказ бошқа мамлакатлардан янги ҳайвонларни олиб киришга умид қилади ва бу соҳада потенциал шерикларни қидиряпти.

Қўшимча маълумот учун Ганьсудаги Марказ [jianggeapple@126.com](mailto:jianggeapple@126.com) ва Айли Кан, [akang@wcs.org](mailto:akang@wcs.org) билан боғланинг.

## Браконьерлик ва нолегал савдонинг олдини олиш ҳолларини

### Урал популяцияси

2010 й. август

Ғарбий-Қозоғистон области Акжаик районининг чўлларида табиатни муҳофаза қилиш ва ветеринария полицияси ходимларидан иккита мотоциклда қочмоқчи бўлган 4та браконьер жиноят устида қўлга туширилди. Қонун бузувчиларида 12та сайғоқ шохи топилди.

Батафсил <http://www.kazpravda.kz/c/1282863423> да.

2010 й. ноябр.

Ғарбий Қозоғистонда Казтал районидаги Ажибай поселкасида 40 километрда отиб ўлдирилган ва шохлари арраланган 27 сайғоқнинг танаси топилди.

Батафсил

<http://kt.kz/?lang=rus&uin=1138536468&chapter=1153527210>.

## Устюрт популяцияси

2010 й. август

2010 й. 26 августда Қозоғистоннинг Актюбинск области Шалкар районида “Охотзоопром” инспектори жиноят содир бўлган жойдан қочмоқчи бўлган овчини ўтиб ўлдирган. “Охотзоопром” ходимлари УАЗларда қарамоғидаги худудни кўздан кечираётганда чўлда мотоциклчини кўриб қолганлар. У тўхташ талабини эътиборсиз қолдириб қочмоқчи бўлган. Мотоциклчи улар томонига ов милтиғидан отган. Ўқ машиналардан бирининг эшигига теккан. Жавобан инспектор АК-74 дан ҳавога оғоҳлантириш ўқини узган. Бирок эҳтиётсизликдан ўқ мотоциклчига теккан, у олган ўқ ярасидан ўша жойда жон берган. Ҳалок бўлганнинг жасади ёнида ов милтиғи ва ичида сайғоқ шохлари бор сумка топилган. Судда ишни кўриш натижалари бўйича инспектор оқланди.

Батафсил <http://www.lenta.ru/news/2010/08/26/shot/>.

2010 й. ноябр

Актюбинск области Байганин районининг худудида РККП “ПО Охотзоопром” инспекторлари сайғоқларни ноқонуний овлаётган, Мангистау области Бейнеу райони Опорний поселкасининг иккита яшовчисини ушлаб қолдилар. Браконьерларда 20 урғочи сайғоқнинг танаси, 9 ёш зоти ва битта шохдор эркаги топилган.

Батафсил <http://inform.kz/rus/article/2326892>.

## Бетнақдала популяцияси

2010 й. июн

Костанай области Жангелди районида сайғоқларни овлаётган иккита эркак қўлга туширилган. 35 ва 44 ёшли шубҳаланилаётганлардан милтиқ ва бир жуфт арралаб олинган сайғоқ шохли олинди. Ушбу далил бўйича жиноий иш қўзғатилган.

Батафсил

<http://kt.kz/?lang=rus&uin=1133168020&chapter=1153522089>.

2010 й. октябр

2010 й. 28 октябрда Иргиз ИИБ ва Охотзоопром ходимлари томонидан Жайсанбай қишлоқ округи худудида Атанбас номли жойда Иргиз-Торғай табиат резерватига тегишли автомашина тўхтатиб қолинди. Автомобил саломида сайғоқ танасининг олд қисми ва рўйхатга киритилмаган қўшоғиз ов милтиғи топилди. Жиноий иш қўзғатиш масаласи кўрилмоқда.

Батафсил <http://vesti.kz/society/67674/>.

2010 й. ноябр

2010 й. 24 ноябрда Костанай области Жангелди районида 2010 й. августда сайғоқни ноқонуний овлаганини учун ушлаб қолинган Збан қишлоғининг иккита яшовчиси устидан ибратли суд ўтказилди. Суднинг қарорига кўра браконьерларнинг ҳар бири га 700 минг тенге жарима солинди.

Бунинг устига улар давлатга етказилган зарар – 282 минг тенгени тўлаши керак бўлади. Очик суд жараёни Қозоғистон ички ишлар вазирлигининг ходимлари ўтказган “Браконьер” оператив-профилактик тадбирининг якунловчи босқичи бўлди. Операция давомида умуман олганда 3 мингдан ортиқ табиатни муҳофазалаш қонунчилиги ва шунингдек ов қуролини сақлаш ва олиб юриш қоидаларининг бузилишлари аниқланди. Табиатни муҳофазалаш қонунчилиги бузилишининг аниқланган далиллари бўйича зарарнинг умумий миқдори 5,5 млн. тенгени ташкил этди.

Батафсил

[http://www.express-k.kz/show\\_article.php?art\\_id=46051](http://www.express-k.kz/show_article.php?art_id=46051).

## Шимоли-Фарбий Каспий олди популяцияси

2010 й. июл

Черноземельск ИИБ милиция ходимлари томонидан сайғоқларни ноқонуний овлаётган Артезиан поселкасининг 27-ёшли яшовчиси қўлга туширилди. Жиноят содир бўлган жойдан сайғоқнинг 3та танаси ва бта шохли, рўйхатга киритилмаган бир оғизли милтиқ, қўларра ва пичоқ олинди. Айбланувчидан зарар миқдорини ундириш бўйича даво прокуратурага тақдим этилган ва судда кўриб чиқилади.

Батафсил

[http://kalmykia-online.ru/index.php?option=com\\_content&task=view&id=1340&Itemid=30](http://kalmykia-online.ru/index.php?option=com_content&task=view&id=1340&Itemid=30) ва 2010 й. 2ноябрдан Қалмоғистон Хабарларида.

2010 й. ноябр.

2010 й. 1 ноябрда Қалмоғистоннинг Черноземельск район суди Нарн-Худук қишлоқ муниципал тузилмасининг участка милиционери Валерий Мукабенов, ҳамда маҳаллий одамлар Лузин Сангаджиев ва Адам Халидовлар сайғоқни ноқонуний овлашда айбдор деб топилдилар. Эслатамиз, 2010 йил 11 март куни браконьерлар 19 сайғоқни отиб ўлдирганлар ( *Saiga News, 11 кўр.*). Қонун бузарлар шартли муддатларга ва атроф мухитга етказилган зарар учун 484,5 минг рубл ундириб олинишга ҳукм қилиндилар.

Батафсил

<http://eco.rian.ru/danger/20101102/291706624.html>.



Kazakhstan Today сурати



# Мақолалар

## 2009-2010 йй. сайғокнинг бетпақдала популяциясини йўлдош орқали кузатишнинг натижалари

А.Р.Салемгареев, О.К.Шаймуханбетов, Ш.Цутер, С.Л.Скляренко

Қозоғистон биоҳилма-хилликни сақлаш ассоциацияси, [albert.salemgareev@acbk.kz](mailto:albert.salemgareev@acbk.kz)

2009 й. кузидан бошлаб “Қозоғистон биоҳилма-хилликни сақлаш ассоциацияси” Республика жамоа бирлашмаси (РОО «АСБК») томонидан “Алтын дала” табиатни муҳофазалаш ташаббуси доирасида сайғокнинг бетпақдала популяциясини тутиш ва йўлдош орқали кузатиш ишлари олиб борилмоқда. Ушбу дастурнинг мақсади йўлдошли белгилаш орқали, ишончли маълумот олиш ва бетпақдала популяцияси муҳофазасининг самарадорлигини ошириш учун сайғокларнинг қишлаш ва қўзилаш жойлари ҳамда кўчиб ўтиш йўлларини аниқлаш.

2009 й. октябрда ўрнатилган 20 пердатчикдан ҳозирги кунда 13си ишляпти. Еттига нобуд бўлган белгиланган ҳайвоннинг бештасини топа олдик. Улардан бўйинбоғлар ечиб олинди ва бу йил бошқа ҳайвонларга қайта ўрнатилди. Бу билан бирга 20 янги сотиб олинган бўйинбоғлар ҳам ўрнатилди.

Сайғокларни тутишда, ўтган йили тутиш вақтида биз томондан ишлаб чиқилган “Мобил корал(тўр)лар услуги”дан фойдаланилди. Дунёда мавжуд бўлган тутиш усулининг бирортаси ҳам ҳайвонлар учун 100% ҳавфсизликни кафолатламайди, бироқ бизнинг икки йиллик тажрибамиз, бу усул тутишда жароҳатланиш ва тананинг кизиби кетиши ҳавфини минимумга келтиришга имкон беришини кўрсатди. Биз иккита спорт мотоцикли ва ўта қийин йўллардан ҳам юра оладиган иккита автомобилда узунлиги 25-30 м ва баландлиги 2,5-3 м бўлган иккита мобил корал(тўр)лик овчилардан фойдаландик. Қувиш вақти атроф муҳитнинг температураси, тупроқнинг ҳолати ва ҳайвоннинг умумий аҳолига қараб 4-5,5 минутгача чегараланган. Ушланган сайғок билан ишлаш вақти 4 минут билан чегараланган. Барча ҳайвонлар асосий морфометрик кўрсаткичлар бўйича ўлчанади, ДНК-анализга қон



Харита. Бетпақ-далада сайғокни белгилаш ҳудуди.

намуналари, жун, нажас намуналари, аниқланганда – эктопаразитлар олинади. Ҳамма ҳайвонларга мушаклар фаоллигининг тез тикланиши учун 3 мл витамин эритмаси қуйилади.

Биз бўйинбоғларнинг турган жойи координаталарини аниқлаш учун GPS билан Vectronic Aerospace (<http://www.vectronic-aerospace.com>)нинг GPS Plus Collar моделидан фойдаландик, маълумотларни жойланиш нуқтасидан буортмачининг электрон манзилига узатиш учун Globalstar йўлдошли тизим ишлатилади. Бу тизимнинг энергияга эҳтиёжи кам, жуда аниқ координаталарни олишга имкон беради, маълумотларни ҳар кунги ва юқори ишончли узатилишини таъминлайди. Бўйинбоғнинг оғирлиги тахминан 600 г., бу ҳайвон учун ҳеч қандай муаммо туғдирмаслиги керак, чунки тана оғирлигининг атиги 2-3% ташкил этади. Сайғокларни белгилашнинг ҳолати ва натижалари бўйича, тутишдан ва барча процедуралардан сўнг энг

кескин биринчи икки ҳафта давомида уларнинг соғлиғига ҳеч қандай салбий таъсир кузатилмаган.

Бўйинбоғлар ишлашининг бутун даврида маълумотларни узатиш умумий коэффициенти – 92,4%, бу ҳайвонларнинг жойлашишини кунда кузатиб боришга имкон беради. Пердатчикнинг иши икки йилга мўлжалланган, бундай кейин бўйинбоғларнинг бир қисми соатли ўзи ечилиб кетадиган механизм билан ечилиб кетади, бир қисми пахта қатламининг чириши оқибатида ҳайвондан тушиб кетади.



Йўлдош пердатчикли белгиланган сайғокнинг қўйиб юборилиши.

Аккумулятори алмаштирилгандан сўнг бўйинбоғлар қайта ишлатилиши мумкин. Сайғоқларни шу каби бўйинбоғлар билан белгилаш иши бу турнинг сақланиши бўйича бир қатор илмий саволлар ва вазифаларни ечишга имкон беради. 2009 й. ўрнатилган передатчиклардан олинган маълумотлар бўйича давлат хизматларининг табиатни муҳофазалаш тадбирлари тўғриланган, 2010 й. авиаҳисобга олишларнинг маршрутлари режалаштирилган ва тўғриланган, “Алтин Дала” режалаштирилаётган резервати ва “Аккум” овчилик хўжаликларининг худудларида сайғоқнинг ялпи кўзилаш жойлари аниқланган, куйиқидан олдин (25 мингга яқин) ҳайвонларнинг бир вақтдаги катта тўдаси топилган ва куйиқидан жойлари аниқланган, ООПТ режалаштириш учун қўлланиладиган, энг кўп бориладиган (муҳим) жойларнинг ҳаритаси қилинган. Ушбу дастур АСБК томонидан Қозоғистон

ўрмончилик ва овчилик хўжалиги Қўмитаси (ҚР Қишлоқ хўжалиги вазирлиги), РГКП «ПО Охотзоопром», Франкфурт зоологик жамияти (FZS) ва Буюк Британия кушларни ҳимоя қилиш Қирол жамияти (RSPB) билан биргаликда бажарилмоқда. У аҳамиятли даражада Gregor Louisoder Foundation фонди, Дарвин Ташаббуси, Глобал экологик фонд, Техник ҳамкорлик бўйича Германия жамияти (GTZ) ҳамда Германия халқаро кўчиш ва ривожланиш маркази (СІМ) томонидан қувватланган эди. Бетпақдала популяциясининг сайғоқларини тутгандан сўнг АСБК ва Охотзоопром устюрт популяциясининг ареалида ишини давом эттирди. У ерда Тоттори университети (Япония), Зоология институти (Ўзбекистон), Зоология институти (Қозоғистон) ва FFI командаси (USAID/SCAPES лойиҳаси) билан биргаликда бта бўйинбоғ ўрнатилди.

## Жамоа бошқаруви ёндашиши сифатида ўлжа овининг мумкин бўлган қўлланилишини ўрганиш

*М.Браун, Н.Сингх*

Империял Коллеж Лондон, [matbrowner@googlemail.com](mailto:matbrowner@googlemail.com)

2006 йилда имзоланган, Кўчиб юривчи турлар бўйича Конвенциянинг Ўрта муддатли ишчи дастури (СМРП) муҳокамасининг доирасида сайғоққа турғун ўлжа овининг имкониятларини ўрганишга кўрсатилган қизиқиш сабабли, сайғоққа жамоа ўлжа ови дастури (ПОТО)ни ривожлантириш имкониятларини ўрганишга киришилди.

Ўлжа ови маҳаллий жамоаларга даромад олиш ва турни яшаш жойларида сақлаш учун фойдали усул бўлади. Туёқлиларнинг бошқа турларини овлаш баъзи жойларда ўзгарувчан муваффақият билан қўлланилади. Жамоаларни табиатни муҳофазалаш менежментига жалб этилиши маҳаллий аҳолига унинг манфаатлари ҳам ҳисобга олинганини

ҳис этишга имкон беради, бу билан уни биохилма-хилликни қадрлашга мажбурлайди. Жамоаларда ўлжа ови дастури маҳаллий аҳолига, табиий ресурсларни бошқаришда иштирок этиб, даромаднинг альтернатив манбаларидан фойдаланишни таклиф этади.

Шу вақтнинг ўзиде, у бир қатор муаммо ва саволларни кўтаради, чунки ўлжа ови ҳар доим ҳам қулай ёндашиш бўлавермаслиги ва популяцион даражанинг жоиз пасайишига олиб келишини кўрсатадиган мисоллар бор. Ўлжа овининг имкониятини усул сифатида ўрганиш учун, сайғоқ популяциясининг динамикаси ва тузимига ўлжа

овининг таъсирини кўрсатадиган модел ишлаб чиқилди. Моделлаш натижалари ёши катта эркакларга ПОТО амалга оширилиши мумкинлиги ва иқлим каби ташқи омиллар қанча кўп бир зайлда қолса шунча узокмуддатли бўлиши мумкинлигини кўрсатди.

Иқлим ўзгариши бўйича экспертлар ҳукуматлараро гуруҳи (МГЭИК)нинг 2007 й. босиб чиқарилган иқлим ўзгаришининг моделлари об-ҳавонинг янада экстремал ўзгаришларига ва бу билан сайғоқ ўлимининг янада юқори даражасига олиб келиши мумкин бўлган, сайғоқ ареалида ёзги ёғингарчилик камайиши ва қишқи ёғингарчилик кўпайишининг прогнозини ишлаб чиқишга ёрдам берди.



Сайғоқ эркаги.



Серпуштлигининг юкори даражаси, урғочиларининг эрта етилиши, бутун умри давомида юкори махсулдорлиги, эгизакларнинг кўплаб туғилиши туфайли сайғоқ популяциясининг тез ўсиш қобилияти сайғоқ тур сифатида узоқ муддатли ўлжа ови учун қулай объект бўлишини кўрсатади. Ўлжа ови катта эркакларга йўналтирилган, шунинг учун жинс нисбатининг бузилиши сабаби билан популяция махсулдорлигига салбий таъсирни юмшатиш имкониятларини кўриб чиқиш керак. Бир ярим ёшдан катта эркакларнинг орасида ёшдаги фарқни аниқлаш қийин, бу минимал ёш чегарасини аниқланишини қийинлаштиради, гарчи катта ёшдаги гуруҳ эркакларига кўпайишда қатнашишга имкон бериб, овлаш даврини куйикиш даврининг охиригача кечиктириш мумкин.

Катта эркаклар 12 урғочидан иборат ҳарамларни уруғлантириши мумкин. Бу билан эркаклар сони минимал даражадан пастга тушиши мумкин, ва бу популяция соғлигининг асосий омили бўлган қайта тикланиш жараёнига таъсир этади. Мумкин бўлган камчилиги етилган эркакларнинг катта сонини овлаш жуда ёш популяциянинг шаккланишига олиб келишининг мумкинлиги, ёш эркаклар эса куйикиш даврида жуда катта кучланишдан зарар кўришлиги, бу кишки ойларида ўлимнинг кўпайишига олиб келишидан иборат бўлиши мумкин. Шиддатли ўлжа ови қилиш шохли антилопанинг территориал ва жуфтлашиш хулқини бузиши, бу, чўзилган туғиш вақтида кўзилаш даврининг қисқариши ва ёшларининг ўлиш даражасини ошишига олиб келиши аввал кўрсатилган эди. Кечикиб дунёга келган болалари керакли вазни йиғолмайди, бу кишки ойлари, айниқса қахратон кишда уларнинг омон қолишига таъсир кўрсатиши мумкин.

Сайғоққа ПОТОни жорий этилишини қийинлаштирадиган омиллардан бири – браконьерликнинг юкори даражаси. У билан курашиш учун жиддий чоралар кўриш зарур ва бунда маҳаллий аҳоли браконьерликнинг олдини олиш бўйича фаол ишга жалб этилиши керак. Буни жорий этиш учун браконьерлик билан машғул одамларнинг фаолиятини қайта йўналтириш учун молиявий рағбатлантирувчи омилни қўллаш ёки улар сайғоқ каби ноёб ресурснинг муҳофазаси бўйича ишларда иштирок этиши учун асос яратиш зарур. Маҳаллий жамоаларни ишга жалб этиш учун молиявий рағбатлантиришни ўтказиш зарур. 2005 й. ўтказилган овчиларнинг сўрови улар сайғоқни овлашдан тушган даромаднинг катта қисмини гўштининг савдосидан

ва кичикроғини хитой анъанавий медицинасининг эҳтиёжларига ишлатиладиган шохининг савдосидан олишларини кўрсатди (Кюль, 2007). Улар орасида 15-24 катта эркаги бўлган, тахминан 50-60 сайғоқни овлаб, ҳар бир овдан 1107 доллар (нархлар 2005 йилга) ишлашга ҳаракат қилганлар. Ўзига жалб этиши учун, ўлжа овидан тушган даромад ушбу даражага мувофиқ бўлиши керак.

Марказий Осиё ўлжа ови учун оммабоп жой бўлади. Кўп турларни овлаш мумкин ва турли туроператорларда чет элликлар ва маҳаллий аҳолига ҳар хил таклифлар бор. Ҳозирги вақтда сайғоқ ови тақиқланган, бироқ ўхшаш турлар овининг нархи 250дан 850 АҚШ долларигача тебранади. Интервью берган гуруҳ томонидан овланган 15-24 сайғоқ эркагининг нархи 3750-6000 дан 10 500-16 800 долларгача бориши мумкин. Бу пул узоқроқ муддатда топилишини ва ўлжа овининг бошқа иштирокчиларига кетаётган пулларни ҳисобга олганда ҳам, иккала жинсдаги 50-60 сайғоқнинг гўшти ва шохининг савдосидан тушадиган даромаддан анча кўп.

Маҳаллий жамоаларнинг асосида ўлжа овини амалга ошириш учун, улар потенциалининг юкори даражаси зарур, жумладан жамоанинг барча аъзолари тан оладиган жамоа кенгашининг кучли раҳбарлиги, бу жамоа аъзолари орасидаги муносабатларнинг назоратини, техник ёрдам, мавжуд бўлган ресурс ва сайёҳларнинг одилона тақсимланишини осонлаштиради. Мумкин бўлган коррупцияни, дегани молиявий суиистъемол, ҳисобга олиш маълумотларини сохталаштирилиши ёки ноқонуний/нолицензион овлашнинг олдини олиш учун овлашнинг барча жиҳатлари бўйича ҳисоботда тўлиқ тиниқлик бўлиши муҳим. Бусиз ПОТО халқаро овшунослик ташкилотлари, табиатни муҳофазаловчи агентликлар ишончини йўқотиши ва жамоаларнинг ўзида ҳам ёрдамни йўқотиши мумкин.

Сайғоқни кўчиб юришининг жойларининг кенг қўламлилиги овлаш мавсумида сайғоқнинг яшаш ареалида фақат маълум жамоалар бўлишини англатади. Бу савол туғдиради: ПОТОда иштирок этишни хоҳлаган барча жамоалар ундан фойда кўра оладими? Бу муаммонинг ечилишини ўрганиб чиқиш керак, бундай ҳолис жамоаларда браконьерликка қандай қилиб тўсқинлик қилиш ва даромад олишнинг қандай вариантлари улар учун мақул бўлиши мумкин.

# Шимолий-Ғарбий Каспий олди сайғоқ популяциясининг ҳолатини баҳолашга

А.В.Проняев

Россия давлат аграр сиртки университет, [vest-ohot@mail.ru](mailto:vest-ohot@mail.ru)

Шимолий-Ғарбий Каспий олди сайғоқ популяциясига кизиқиш тўхтамаяпти. Бу сўнгги ўн беш йилликда популяция сонининг нотипик ўзгариши билан шартланган. 60 йиллик инструментал кузатувларда камайишининг кетидан сонни тез ўсишининг кузатилиши аниқланган. XX асрнинг 60чи йй. ва 80чи йй. иккинчи ярмида ана шундай бўлган. 1996 йилда соннинг навбатдаги авжга чиқиши белгиланган. Бироқ сайғоқ бошининг 2000 йилгача қисқариши соннинг 15 баробар камайишига олиб келди. Группировканинг олдинги кузатувлар асосида кутилган тез ўсиши юз бермади. Ҳар йилги эксперт баҳолашлар 2004 йилда охириги ҳисобга олишда белгиланган сон қийматидан сезиларли ижобий оғишларни бугунги кунга қадар аниқламапти. Популяциянинг замонавий ҳолати бугун, маълум сабабларга кўра, фожиаи деб баҳоланапти.

Ўтмиш излари келажакка олиб боради деб қабул қилинган. Ушбу тамойилдан фойдаланиб овлаш ёки квота режасининг бажарилиши кўрсаткичини кўриб чиқамиз. Бу кўрсаткич ишлатилишининг мантиқий асосида тўхтаб ўтирмаймиз. Параметрнинг қўлланилиши популяция сони билан деярли яқин боғланишни назарда тутишни белгилаймиз холос. популяция-биологик тавсифлар ва биринчи навбатта сон динамикасининг тавсифидан келиб чиққан ҳолда овлаш квотаси белгиланади. Квота катталиги динамика изидан боради. Квота ўзлаштирилмаган ҳолда (бошқа тенг шароитларда), группировка сони қисқаргани ёки нотўғри аниқлангани тахминланади.


1980 йилда сайғоқни тўрли кораль билан ушлаш усули жорий қилинди (Максимук, 1982). Маълумот бериш мақсадида бу усулнинг битта биологик хусусиятини кўрсатиш керак. Коральнинг ўрнатилиши ва ҳудуднинг қуршови популяциянинг макон тузилишига (бир онли макон тузилиши) нисбатан тасодифий эмас. Кораль одатда ҳайвонларнинг тўпланиш ва ёки маълум бўлган ўтиш жойларида ўрнатилган. Бу коральни қайта ўрнатиш процедураси вақт бўйича ёруғлик кунининг ярмидан кўпини эгаллаши билан боғлиқ. Овлаш муддатларининг вақт бўйича чекланганлиги ва даромадни максималлаштиришга интилиш шароитларида, кичкина, тасодифий жойлашган подалардан (айниқса якка ҳайвонлар) ҳайвонларнинг ови кораль ёрдамида, одатда, ўтказилмаган. Экспериментда коральга киргазилган максимал катта поданинг сони 2000 зотга яқин эди. Овлашнинг бир кунда бригада ўртача 478 зотни овлаган (ўртача соннинг ҳисоби 1983 й. овлаш кампаниясининг 82 бригада-куни бўйича чиқарилган).

1980 йилдан 1985 йилгача 20-90минг зот миқдордаги квотани атиги 4-5та бригада ёрдамида бажарилиши эътиборлидир.

Бунда катта квоталарнинг муомаладан чиқариш муддати бир ойдан ошмаган.

Ушбу овлаш технологияси жуда самарали, бу усул билан овлашни эса, популяциянинг ҳолатини тестловчи, нисбатан аниқ асбоб сифатида кўриш мумкин. Бу барча овлаш кампанияларига битта - қисқа муддат ичида кўпроқ пул ишлаш важи ҳамроҳ бўлиши билан боғлиқ, ўзгарувчан параметр сифатида эса технология қўлланишининг муваффақиятини эмас, балки популяциянинг сони ва бошқа хусусиятларини қабул қилиш керак.

Шимолий-Ғарбий Каспий олдида тўр коралидан фойдаланиш тарихига назар солайлик (1 расм). 1986 йилгача барча белгиланган квоталар тўр корали ёрдамида тўлиқ ўзлаштирилган. 1986 й. овлаш кампанияси вақтида тўр усули ёрдамида биринчи марта 20 мингли квотани бажариш имкони бўлмади. Ўхшаш вазиятлар 1990чи ва 1996 йилларда ҳам содир бўлди (1 расм). 1996 йилда сон 300 минг зот деб аниқланганини эслатиш лозим.



1 расм.

Сайғоқ сони ва овлаш квоталарини ўзлаштириш. Вертикал бўйича – сони, минглаб зот; горизонтал бўйича – йиллар. Эгри чизиқ – популяциянинг сони. Кўрсаткичлар билан овлаш режаси бажарилмаган йиллар кўрсатилган. Кўрсаткичлар ёнидаги рақамлар билан режа бажарилишининг фоизи кўрсатилган.

Қўлланилган параметрнинг унча мураккаб бўлмаган мантиқий асосидан келиб чиқиб, кўрсатилган йилларда популяцияларда, подалар (усул уларнинг овланишига йўналтирилган) кам бўлган, сони эса аниқлангандан паст бўлган деб тахмин қилиш мумкин. 80 йй. популяцияни кузатиш бўйича маълумотлар асосида сонини аниқлашга ҳаракат қилиб кўрилган (Проняев ва б., 1988).



Сонни қайта баҳолаш методологиясининг майда-чуйда тафсилотларига берилмасдан, авиаҳисоблашда аниқланган сон билан ҳисоблаб аниқланганининг тафовути 50% чегарасида (ҳисоб-китоб қилингани камроқ бўлган) бўлганини белгилаймиз. Бунга асосланиб 1996 й. соннинг юқори чегараси 150 минг зот билан чекланганини тахмин қилиш мумкин. Пастки чегарасини аниқлаш мушкул. Эҳтимол, у 60-80 минг сайғоқ чегарасида жойлашган. Сонни баҳолашга бундай ёндашиш, 1996 й. кейин юзага келган вазиятга, қисман бошқача қарашга ва унга фожиа деб қарамасликка имкон беради. Агарда кетма-кет келадиган йилларнинг орасидаги ўтиш коэффициентлар ҳисобга олинса (1996 й. - 300 минг зот, 1997 й. - 270 минг ва ҳоказо), соннинг қуйидаги қаторини олиш мумкин: 1996 й. - 150 минг зот; 1997 й. - 135 минг; 1998 й. - 90 минг; 1999 й. - 27,5 минг; 2000 й. - 12,5 минг ва ҳоказо. Қўлланилаётган ёндашиш охириги ҳисобга олишларнинг натижаларига жуда ўхшаш баҳолаш олишга имкон берди. Бироқ, сонни қайта баҳолаш популяциянинг замонавий “кескин” ҳолати тўғрисидаги саволни фақат қисман олиб ташлайди. Шунча узоқ вақт ичида популяциянинг сезиларли ўсишининг кузатилмагани ноаниқ бўлиб қоляпти.

Ўтган асрнинг 90 йй. Шимолий-Ғарбий Каспий олди популяциясида яшайдиган сайғоқнинг иккита экоморфаси тўғрисида тушунча таърифланган (Соколов ва б., 1998). Бу тур биологиясининг хусусиятларига бошқа жиҳатдан қарашга имкон берди. Овлаш вақтида юзага келадиган беихтиёр сунъий танлаш механизми тақлиф қилинди (Рожков, Проняев, 1994). Популяция депрессиясининг сабабларини муҳокама қилиб, Б.Д. Абатуров (2007) Шимолий-Ғарбий Каспий олдида сайғоқнинг яшаш жойларининг кенг қўламда чўлга айланиши эътиборни қаратади. Шаклланган ўсимлик қоплами, сайғоқлар яхши ҳазм қила олмаслиги сабабидан, сифатли озикланишни таъминламайди. Шубҳасиз, бу омил популяцияга, сифатлироқ озуқага муҳтож, ҳаракатчан, тез ўсадиган, серпушт типик шаклга қарши қаратилган танлаш векторини солади. Популяцияда паст жойдаги фаоллиги, ўсишнинг секин тезлиги ва тикланишнинг паст даражаси билан тавсифланадиган, нотипик экоморфалик ҳайвонлар тўпланиши керак.

Бу шакл урғочиларининг катта қисми умрининг биринчи йилида кўпаймайди, катта ҳайвонлар орасида эса эгизаклар миқдори жуда кам. 80-йиллардаги овланиши шунингдек бу шаклнинг тўпланишини осонлаштирган.

1991-96 йй. бўлагида типик экоморфанинг сони кўпаймади, бу 1996 й. овлаш режасининг бажарилмаганининг натижалари билан тасдиқланди бу, эҳтимол табиий танлаш таъсири билан боғлиқ. Бу, яйловлар ҳайвонларни энергиянинг етарли миқдори билан таъминламаслиги далилига зид бўлмайди. Шу сабабдан одат бўлиб қолган сценарий – соннинг тез ўсиши амалга оширилмайди.

Афтидан, популяцияда XIX асрнинг охири – XX асрнинг бошида кузатилган вазият юзага келган (Жирнов, Максимук, 1998). Юз йил аввал бошланган турғунлик 20-30 йил давом этган. Соннинг кўпайиши фақат урушдан олдинги йилларда кузатилган. Агар 2000 йилни кенг қўламли турғунликнинг ҳисоблаш нуқтаси деб қабул қилсак, популяциянинг “жонланиши” 10-20 йилдан сўнг бошланади.

Эҳтимол популяциянинг замонавий ҳолатини турғунлик деб ҳисоблаб бўлмайди. Энг аниғи, янги, сайғоқ кирадиган, мувозанат ҳолати махсулдорлиги бўйича пастроқ бўлган экотизим тўғрисида сўзлаш лозим. Бу ҳолатга ўтиш ўтган асрнинг 80чи йилларидан бошлаб камида 15 йил кечган. Ҳозирги кунда Шимолий-Ғарбий Каспий олди популяцияси сонининг тебранишлари юзага келяпти, бироқ уларнинг кўлами унча катта эмас ва ҳисобга олишнинг замонавий усуллари билан яхши аниқланмайди.

Тур популяциялари қозоғистон тизимининг ҳолатини таҳлил қилиш учун ҳозирги вақтда маълумотлар етарли эмас. Бироқ, уларнинг азалий динамикаси (Фадеев, Слудский, 1982) ва (соннинг пасайиши, озгина кўпайиши ва унинг кескин қисқарилиши) (Грачев, Мелдебеков, Бекенов, 2009) ўтган асрнинг 80чи й. ўртаси динамикасининг характери бу вазиятларни шакллантирувчи механизмлар деталларида фарқланиши мумкин бўлса ҳам, Шимолий-Ғарбий Каспий олди учун мос вазият ареалнинг шарқий қисмида ҳам шаклланаётганини тахмин қилишга асос беради.

А.Луничкина сурати



Шимолий-Ғарбий Каспий олдида сайғоқ популяцияси.

# Ўзбекистонда 2009-2010 йй учун Устюрт сайғоқ популяцияси жамоа мониторингининг натижалари.

Е.А.Бикова, А.В.Есипов

ЎЗР ФА, Зоология институти SCA, [esipov@xnet.uz](mailto:esipov@xnet.uz)

Сайғоқни бевосита ҳисобга олишни бажаришда кимматлигини ва бошқа қатор чеклашларни ҳисобга олган ҳолда, биз сайғоқ популяциясининг жорий ҳолати тўғрисида маҳаллий аҳолини сўроқлашга асосланган жамоа мониторинги усулини қўлладик. Сўроқларга асосан Жаслик, Каракалпакия ва Кубла Устюрт поселкаларида яшайдиган, ҳудудни яхши биладиган собиқ овчилар жалб қилинди. 2009 й. октябрдан 2010 й. апрелгача бўлган давр учун маълумотлар тўпланди. Бу давр Қозоғистондан кузги миграция, куйиқиш ва шимолга баҳорги миграция ҳамда қўзилаш бошланишини қўшган ҳолда сайғоқ Устюртнинг қорақалпоқ қисмида кўпроқ бўлиши билан белгиланади.

Сўроқлаш маълумотларига кўра жами 1217 сайғоқ, улардан 36 эркак, 1045 урғочи, 36 ёш ва 100 жинси бўйича аниқланмаган зот аниқланган. Умумий сайғоқ сонининг эксперт баҳоси тахминан 2 минг бошни ташкил қилади. Белгиланган подалар катталиги 5 дан 50 гача зотни ташкил қилади. 2009-2010 йй. қиши, аввалги қиш каби, жуда қорли бўлди (қор қопламанинг баландлиги 50 см, баъзи жойларда 1 м га етди). Жанубга ялпи миграция январда кузатилган, бу эса одатдагидан 1 ой кеч. Тескари миграция ҳам кечроқ муддатларда ўтди – март охири – апрелнинг бошида. Январь – февралда баланд қор қоплами узок турди, қаттиқ шамоллар эсди.

Бу даврда сайғоқларнинг кичик сони кузатилиши транспортда ҳудуддан ўтиб бўлмаслиги, ва шу туфайли маҳаллий аҳоли чўлга чиқмаганлиги билан тушунтирилади (бу, сўзсиз, сайғоқлар учун фақат фойда келтирди). Кузатувларнинг максимал сони қор қоплами эригандан сўнг, март ойига тўғри келади. Аввалгидек, сайғоқлар асосан платонинг шимолий қисмида тўпланган. Шунингдек биз сайғоққа браконьерлик бўйича маълумотлар олдик. Жами сўроқ маълумотларига кўра

91 зот ов қилиниб, улардан кўпини урғочилар ташкил қилган. Овланган эркак ва урғочилар сонигаги номутаносиблик овнинг селективлиги билан эмас, эркаклар сонининг камлиги билан тушунтирилади. Эркак сайғоқлар биринчи навбатда овланади, бу уларга талаб катталиги ҳамда халқаро чайқов бозоридаги баланд нархи ва сайғоқ шохларининг баланд нархи билан тушунтирилади. Бунда барча ёшдаги эркак сайғоқлар овланади. Катта урғочилар гўшт учун овланади (хусусий истеъмол, маҳаллий ва регионал савдо). Битта овга чиқишда овланган жониворларнинг максимал сони 10та бошни ташкил қилган. Ўрта ҳисобда – 2,8 зот. Кўрсатилган даврда овчилар Жанубий Устюртда 4 жайрон зотини ҳам ноқонуний отган. Бизнинг маълумотлар браконьерлик даражасини акс эттирмайди, чунки барча кузатувчилар ҳам бу маълумотларни билдирмайди. Бироқ улар браконьерлик фактининг ўзини тасдиқлайди, унинг усуллари ва овланиш сонини тавсифлайди. Кузатувчилар томонидан сайғоқларнинг табиий (оч қолиш ёки йиртқичлардан) нобуд бўлиши ҳоллари аниқланмаган. Бўриларнинг учраши икки марта 2010 й. январда қорақалпоқ Устюртнинг шимолий қисмида қайд қилинган (2 зот излар бўйича ва битта ҳайвон визуал).

Биз ушбу усулдан 2007 йилдан бошлаб Fauna & Flora International иштирокида жамоа мониторингини олиб бориш дастури доирасида фойдаланамиз. Узок муддатли кузатувчилар тармоғини тузиш муҳим момент ҳисобланади. Бироқ айнан шу энг катта қийинчиликни туғдиради, чунки зарур билимга эга бўлган ва улар билан бўлишишга тайёр бўлган асосий шахсларни аниқлаш зарур. Танқидий ёндашиш ва эҳтиёткорлик билан ишлатишда сўроқ маълумотлари сайғоқ популяциясининг сони, тузилмаси, бутун йил давомида ҳудуд бўйича мавсумий тақсимланиши бўйича нисбатан кичик сарфларда объектив ахборот олиш имконини беради. Шу билан бирга усул тўлалигича махсус ҳисобга олишни алмаштиришга қодир эмас. Аниқроқ маълумотлар олиш учун жалб этилган кузатувчиларнинг қизиқишини кучайтириш, уларнинг ҳисобга олиш, ёзувларни олиб бориш ва дала жиҳозларидан фойдаланиш бўйича методологик тайёргарлигини ошириш ҳисобига унинг самарадорлигини ошириш зарур. Ушбу усулдан бошқа усуллар билан бир қаторда (ер усти авиа ҳисобга олиш, тирик организмнинг фаолият излари бўйича ҳисобга олиш) комплекс мониторинг дастури доирасида фойдаланиш тавсия этилади. Усулдан фойдаланишнинг ижобий натижаларидан бири улар билан узвий алоқа кейинги табиатни асраш ҳаракатлари учун маъқул бўлган иқлимни яратишга имкон берадиган, маҳаллий аҳолининг жалб қилиниши ҳисобланади.



А.Есипов сурати

Маҳаллий кузатувчилар билан Ўзбекистонда сайғоқ миграция йўллариининг муҳокамаси.



# Волга-Урал оралиғида сайғоқлар нобуд бўлиши жумбоғи

М.К.Сапанов

РФА Ўрмончилик институтининг Джанибек стационари, [sapanovm@mail.ru](mailto:sapanovm@mail.ru)

2010 й. баҳорда қўзилаш вақтида (*Saiga News, 11га қар.*), шу каби ялпи қирғин 1984 ва 1988 йилларда ҳам кузатилмаганда, Урал популяциясидаги 12 мингта сайғоқнинг нобуд бўлиши кутилмаган воқеа бўлар эди. Ҳар доим расмий тарзда, қўзғатувчиси сайғоқ организмда доим мавжуд бўлган, инфекция касаллик – пастереллезнинг авж олиши сайғоқларга теккан ўлат сабаби ҳисобланади. Нобуд бўлишнинг бошқа тахмини сифатида захарловчи моддалар таъсири кўрсатилади (<http://www.inform.kz/rus/article/2274833>). Шу орада, бу иккала тахмин ҳам, нобуд бўлаётган урғочиларнинг сути билан озикланиб улар билан бевосита бирга бўлган ёш сайғоқларнинг тирик қолишини тушунтира олмайди.

Бизнинг фикримизча, сайғоқларнинг нобуд бўлиши оддий тимпания, яъни нам сершира ўт озукасини ортиқча еб қўйишда ўсимлик қолдиқларининг бижғиши оқибатида катта қориннинг кескин шишиши туфайли бўғилишдан юзга келган. Шу даврдаги табиий ҳодисаларнинг ҳар томонлама таҳлили, шунингдек Урал популяцияси ареалида жойлашган Джанибек стационарида тутқунликда сайғоқларни боқиш кўп йиллик тажрибаси бундай сценарийни кўрсатади. Джанибек стационари Россия-Қозғистон чегарасида жойлашган ва ҚР ўрмончилик хўжалиги НПЦ ва РФА Ўрмончилик институти билан биргаликда ишлатилади. Айнан шу ерда Б.Д. Абатуров, К.О. Ларионов, Б.И.Петришчев, А.Е. Субботин, М.В.Холодовалар томонидан илк бор ва кўп йиллар давомида (2007 йилгача) сайғоқларни тутқунликда боқиш ишлари ўтказилган ва уларнинг озукасини ўрганиш бўйича ноёб тажрибалар қўйилган.

Сайғоқларда қўзилаш даври доим янги ўтнинг тез

ўсиш даври билан мос келади. Тимпания юзага келиши учун бу озуканинг атмосфера ёғинларидан каттиқ намланиши етарли шароит ҳисобланади, айниқса, таркибида дуккаклилар оиласига мансуб ўсимлик, масалан чўл бедаси мавжуд бўлса. Беда кавш қайтарувчи ҳайвонларнинг катта қоринида ўсимлик қолдиқлари бижғишининг жуда кучли «катализатор»и ҳисобланади.

2010 йилда сайғоқларнинг қўзилаш жойидаги экологик вазиятни кўриб чиқамиз. Бу майдонни улар илк бор танлади. Ўсимлик қоплами бу ерда Волга-Урал оралиғидаги оғир ерлар учун типикдир. Баланд жойларда зоналашган чўл ва ярим чўл ўсимлик дунёси ўсади. Рельеф пастликларида, таркибига чўл бедаси кирадиган, пичанбоп-бошоқли гуруҳлар устун бўлган чўл туркумлари ортиқроқ.

Сутканинг тонготар вақтида сайғоқлар деярли фаол озикланади ва, шубҳасиз, шу ҳўл янги ўтсимон ўсимликдан озикланган. Илтмосимизга кўра К.О. Ларионов томонидан нобуд бўлган сайғоқнинг катта қоринидаги ўсимлик таркибининг таҳлили ўтказилди. Бу таҳлил, уларнинг нобуд бўлишидан олдинги озук асоси, жамланма улуши 93% га етган икки паллали (дуккакли, пичанбоп ва ярим бута) ўсимликлар эканлигини кўрсатди. Асосий истеъмол қилинган ўсимликлар беда (*Medicago sp.*), ғозпанжа (*Potentilla sp.*) ва горец (*Polygonum sp.*) бўлган. Сайғоқлар рациона таркибининг энг кўп қисмини беда ташкил қилган (26%).

Айнан нам янги бедани ортиқча еб қўйиш, масалан, кавш қайтарадиган уй ҳайвонларида тимпанияни юзага келтириши муқаррарлиги барчага маълум. Эҳтимол, сайғоқларда ҳам бунга табиий иммунитет мавжуд эмасдир.

Ҳар ҳолда, тутқунликда сайғоқлар деярли тез-тез



И. Сапанов сурати

Сайғоқлар нобуд бўлган жойдаги типик ландшафт, 2010 й.

сершира озукани кўп еб қўяди. Урғочилар нобуд бўлишидан олдин совуқ қорли қиш, машаққатли баҳорги миграция ва туғишдан кейинги организмнинг кучсизланиши рўй берган. Нобуд бўлган ҳайвонлар орасида эркак сайғоқларнинг йўқлигини улар алоҳида ўтлаганлиги билан тушунтириш мумкин. Тирик қолган ёш сайғоқ кичик тўдалари (чамаси, бу ялпи нобуд бўлиш вақтида ҳали сершира озуқа билан тўлиқ озиклана олмаган ҳайвонлар), кичик тўдалар кўринишида таърифланган жойлар яқинида кузгача яшаган.

Минглаб урғочи сайғоқлар нобуд бўлиши тўғрисидаги тахминимизни тажриба орқали

тасдиқлаш зарур. Сайғоқларда тимпаниядан ҳимояланиш механизми мавжуд бўлмаган ҳолда, уларнинг сонини сақлаш бўйича комплекс чораларни тубдан қайта кўриб чиқиш масаласи юзага келади. Бизнинг фикримизча, бу йўналишдаги илмий ишларни Джанибек стационарининг базаси ва илмий имкониятларидан фойдаланган ҳолда Қозоғистонда "Бокейорда-Жайик" табиий резерватини лойиҳалаштириш ва яратиш доирасида ўтказган маъқул. Муаллиф Б.Д. Абатуров ва К.О. Ларионов, шунингдек сайғоқлар экологиясининг катта билимдони И.К. Илимисовга маслаҳат ва ёрдами учун миннатдорчилик билдиради.

## Табиатни муҳофаза қилиш фаолиятини режалаштириш учун "Биосан" дастури

Долгоржав Санжматав


WWF-Муғулистон, [sanjmyatav@wwf.mn](mailto:sanjmyatav@wwf.mn)

Биосан – сут эмизувчилар ва қушларнинг сони, таркиби ва фазовий тақсимланиши бўйича маълумот йиғиш, сақлаш ва қайта ишлаш ҳамда зарур маълумотлар базасини ишлаб чиқиш учун ишлаб чиқилган ГИС материаллари асосида маълумотлар базасини бошқариш дастури. Маълумотлар базаси ҳайвонлар сони ва уларнинг мавсумий тақсимланишидаги ўзгаришларни аниқлашга имкон беради; у атроф муҳит муҳофазаси ва тегишли фаолият бўйича режаларни ишлаб чиқиш ва бажариш учун асос ҳисобланади.

Бирламчи босқичда дастур Муғулистон Фанлар Академиясининг Биология институти томонидан

ишлаб чиқилган тоғ, ўрмон ва чўлнинг туёкли ҳайвонлари, суғур ва сув қушлари бўйича дастлаб маълумотларни йиғиш усулига асосланган. Кейинчалик WWF Муғулистон дастурий офиси кўмагида муаллифлик ҳуқуқлари ҳимояланган дастурий маҳсулот яратилди.

Биосан дастурий таъминот яшаш жойлари бўйича дастлаб маълумотларни дастур афзалликларидан фойдаланган ҳолда, рақамли форматга ўтказишга, маълумотларни қайта ишлаш ва улар билан алмашиш имконини беради, бу эса манфаатдор шахс, қарор қабул қилувчи инсонлар, ва донорларга тез ва ишончли маълумот топишга имкон беради.



1-рasm. Биосан дастурийн тузилмаси.



# Гуанчжоуда сайғоқни сақлаш муаммоси бўйича сўров

Фенглиан Лу

WCS Хитой, [fli@wcs.org](mailto:fli@wcs.org)

Муҳофаза соҳасида аҳолининг хабардорлигини ошириш ҳамда анаънавий Хитой тиббиётида (АХТ) сайғоқ шохлари ва бошқа хавф остидаги хайвонларнинг органлари ишлатилишини қискартириш учун, WCS-Хитой дастури доирасида Гуанчжоу провинциясида АХТ улгуржи бозорлари яқинида қатнайдиған 6-рақамли маршрут автобусларда икки турдаги реклама плакатларини жойлаштириш бўйича кампания ташкил қилинди. Кампания 2010 й. февралдан июль ойигача давом этди.



WCS сурати


## Сўров ўтказайдиган кўнгиллилар.

Бозорларга кўп келадиган одамларнинг хабардорлик даражасини аниқлаш, ва маршрут автобусларида реклама плакатлари қўлланган кампания ўтказилгандан кейин уларнинг муносабати, билими ва ўзини тутишидаги ўзгаришларни баҳолаш учун, WCS-Хитой вакиллари кампания ўтказилишидан олдин ва кейин сўров ўтказилди. Мос равишда 413 ва 460 жавоб олинди.

Сўровлар автобусдаги реклама мақсадли аудиторияни хабардор қилишнинг идеал воситаси бўлмаслигини кўрсатди. Шунга қарамасдан, айрим жавоблар реклама плакатлари ушбу масала бўйича билимларни оширганини кўрсатди. Кампания тугагандан сўнг 75% респондент анаънавий тиббиёт эҳтиёжлари учун ишлатилишдан сайғоқлар сони зарар кўрганга ишонди, бу эса бошланғич даражадан 20% юқори (1-расм). Одамларнинг ўзини тутишида аҳамиятли ўзгаришлар юз бермаган бўлса ҳам, айрим респондентлар ноқонуний савдо туфайли Хитойда сайғоқлар популяцияси йўқолиб кетган деган тушунчани билдирди.

Ушбу сўров сайғоқларни сақлаш муаммосига умуман одамларнинг ижобий нисбатини кўрсатади; 55% респондент сайғоқ шохларини сотиш ноқонунийлигини билади; 65% АХТ эҳтиёжлари учун сайғоқ шохларидан оқилона фойдаланмасликдан дунё сайғоқ популяцияси зарар кўришига амин; 35% савол берилганлар уй буйволининг шохларидан сайғоқ шохларига альтернатива сифатида фойдаланиш

мумкинлигига ишонади. Умуман, ушбу минтақада одамлар сайғоққа ижобий муносабатда, уларнинг айримлари эса табиатни муҳофаза қилиш ташкилотлари ёки ҳукумат муассасалари томонидан олинган, табиат муҳофазасига бағишланган видеоматериал ёки ТВ дастурларни кўрган. Тадқиқотимизнинг натижалари автобусдаги реклама табиатни муҳофаза қилиш бўйича ўқув ўтказиш ва одамларнинг хабардорлигини ошириш учун самарали восита бўлмаса ҳам, одамларнинг табиатни муҳофаза қилиш муаммосини англаши умуман юқорилигини кўрсатди. Одамлар телевидение, интернет, смс-янгилликлар ва бошқ. каби интерактив воситалар орқали табиат муҳофазаси ҳақида ҳар хил ахборот олади, бироқ, эҳтимол, автобусдаги реклама плакатларига етарлича қизиқиш кўрсатмаган. Ушбу сўров натижалари табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида ахборот тарқатишнинг янада ўзига тортадиган усуллари ишлаб чиқишга ёрдам бериши мумкин.



1-расм.

Маршрут автобусларида реклама кампаниясини ўтказишдан олдин ва кейин ижобий жавоб берган респондентлар фоизи.

## Саволлар:

1) АХТда сайғоқ шохлари ишлатилишини эшитганмисиз? 2) Сайғоқ шохларини сотиш ноқонуний деб ҳисоблайсизми? 3) Охири олти ой ичида анаънавий тиббиёт воситаси сифатида сайғоқ шохларини сотиб олганмисиз? 4) АХТда эркак сайғоқларнинг шохлари ишлатилиши сайғоқ популяциясига зарар етказишига ишонасизми? 5) Уй буйволининг шохларидан сайғоқ шохларига альтернатива сифатида фойдаланиш мумкинлигига ишонасизми? 6) Сиз аввал 6-рақамли автобусдан фойдаланганмисиз? 7) Сўнгги уч ой давомида ёввойи хайвонларни сақлаш ҳақидаги реклама плакатларига эътибор бердингизми?

# Сайғоқ – улар ҳаётининг мазмуни

*Таҳририятдан:* Saiga News да сайғоқни сақлаш ишига катта хисса қўшган инсонларга бағишланган янги бўлим очяпмиз. Турли касб эгалари бўлиб, турли мамлакатларда яшайдиган, тақдири сайғоқ билан чамбарчас боғлиқ бўлган инсонлар тўғрисида ҳикоя қиламиз. Бизнинг биринчи ҳикоямиз профессор Аманкул Бекеновга бағишланган. Агар сиз сайғоқни сақлаш ҳаётининг мазмуни бўлиб қолган инсонлар ҳақида сўзламоқчи бўлсангиз, марҳамат, Е.Бикова билан боғланинг.

## Профессор Аманкул Бекенов – Сайғоқни сақлаш бўйича Альянснинг биринчи Фахрий аъзоси



Э. Дж. Милнер-Гулланд сурати

Профессор Бекенов менинг кичик ўғлим Рован билан ўйнапти.

2010 й. 11 сентябр Мўғулистон, Улан-Баторда Сайғоқни сақлаш бўйича Альянс(АСС)нинг ҳар йилги йиғилишида профессор Аманкул Бекенов, унинг сайғоқни сақлаш бўйича кўп йиллик ишини тан олиш юзасидан, АСС биринчи Фахрий аъзоси қилиб сайланди. АСС бошқармаси бу буюк олим билан бирга ишлаётганидан фахрланади. АСС Раиси сифатида мен шахсан ўзим бизнинг кадрдон дўстимиз ва ҳамкасбимизга миннатдорчилик билдирмоқчиман.

Аманкул Бекенов тадқиқотлари сут эмизувчилар турларининг экологияси ва ареалининг сақланиши соҳасида ҳам дала ишларини, ҳам аналитик ишларни қамраб олган. Унга илмий ютуқлари учун 1982 й. Қозоғистон Республикаси Давлат мукофоти берилган. Унинг раҳбарлигида “Қозоғистон сут эмизувчилари” 4-томлик коллектив монография яқунланган (1969-1985 йй.), бу монография учун у ва бошқа муаллифлар 1988 й. “табиатшунослик соҳасида энг яхши иш” номинацияси бўйича Москва табиатшунослар жамиятининг Биринчи мукофоти билан мукофотланган. Профессор Бекенов Қозоғистонда сайғоқнинг экологияси ва муҳофазаси бўйича кўпгина монография ва мақолалар муаллифи ва ҳамкасби Юрий Грачёв билан бирга ушбу тур бўйича Республикада етакчи эксперт бўлади. 1978-2010 йй. даврида жиддий муҳофазага муҳтож бўлган 40 ҳайвон турининг экологияси ва сақланиши бўйича маълумотга эга бўлган Қозоғистон Қизил китобининг

муҳаррири ва сут эмизувчилар бўйича бўлимининг муаллифларидан бири бўлган. Кўп йиллар давомида профессор Бекенов Қозоғистон Фанлар Академияси Зоология Институтини бошқариб келган. Ушбу лавозимда ва шунингдек, ушбу институтнинг териология лабораторияси мудири лавозимида у Қозоғистон сут эмизувчилари бўйича тадқиқот дастурига, ҳамда табиий ресурсларнинг муҳофазаси ва тартибга солинишига йўналтирилган Хукумат дастури бўйича илмий ишга раҳбарлик қилган.

Мен профессор Бекенов билан илк бор Қозоғистонга бўлган биринчи ташрифимда танишганман. Шунингдек мен унинг кўп ишларини ўқиб чиқдим. Профессор Бекенов жуда меҳмондўст ва самимий инсон бўлиб чиқди. Шундай бизнинг ҳозирги вақтгача сайғоқни сақлашга аҳамиятли хисса қўшаётган ҳамда марказий-осиё ва вропа олимлари орасида халқаро ҳамкорликнинг кенгайишига олиб келган ва ҳозирги кунгача давом этаётган илмий ҳамкорлигимиз бошланди. Мана шу биринчи йилларда бизнинг ишимиз асосан ИНТАС (INTAS) дастури бўйича Европа Жамияти томонидан молиялаштирилган, биз сайғоқ ва чорва молларнинг паразитофаунаси ва касалликларини, сайғоқнинг миграциясига яшаш жойлари деградациясининг таъсири ҳамда тур генетикасини ўрганганмиз.

Мен профессор Бекеновга фақат менинг илмий лойиҳаларимни қувватлагани эмас, балки мен университетимдан юборган талабаларнинг окимини қувватлагани учун кўп йиллар давомида миннатдор бўлдим. Ушбу ёш олимлар(камида уларнинг саккизтаси)нинг кейинги муваффақиятли фаолияти унинг илмий раҳбар сифатида профессионаллиги ва гуруҳининг ажойиб ишидан далолат беради.

Профессор Бекенов АСС асосчиларининг бири бўлади ва бу турнинг ўрганилиши ва сақланиши соҳасида халқаро ҳамкорликни қўллаб-қувватлайди. У Альянс учун жуда катта иш қилди ва *Saiga News* бюллетени таҳрир ҳайатининг энг эътиборли аъзосидир, бу эса унинг илмий аниқ ва қизиқарли маълумотлари деб нашрнинг обрўсини оширади. Мен профессор Бекеновнинг ҳамкасби ва дўсти бўлишимдан фахрланаман ҳамда у билан кўп йиллик ва унумли ҳамкорлигимизнинг давомини катта мамнуният билан кутаман.

*Сайғоқни сақлаш бўйича Альянс раиси*  
[e.j.milner-gulland@imperial.ac.uk](mailto:e.j.milner-gulland@imperial.ac.uk)



# Лойиҳалар шарҳи

## Биохилма-хилликни сақлаш тамойилларини Ўзбекистон нефть-газ сектори билан бирлаштириш



Ўзбекистон ҳудудида сақланиб қолган чўл экотизимларининг парчалари биохилма-хиллик тўғрисидаги Конвенция (1992 й.)да кўзда тутилгандек, мўътадил минтақа чўл биомининг биологик хилма-хиллигини сақлаш бўйича масалаларни ечишда катта аҳамиятга эгадир. Чўл участкалари сақланиб қолган жойларда давом этаётган нефть-газ конларининг разведкаси Ўзбекистон биохилма-хиллиги учун биринчи даражали хавф туғдиради. Мумкин бўлган салбий оқибатларни чеклаш учун 2010 йилда ГЭФ/ПРООН “Биохилма-хилликни сақлаш тамойилларини Ўзбекистон нефть-газ сектори билан бирлаштириш” лойиҳаси бошланди. Таклиф қилинаётган тамойиллар кейинчалик, умуман, Ўзбекистон нефть-газ сиёсатига киритиш учун, Устюрт платоси мисолида синаб кўрилади. Кўрсатилган лойиҳани бажаришда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш бўйича Давлат Қўмитаси асосий шерик қилиб тасдиқланган. Лойиҳанинг бажарилиши маъмурий тўсиқларни баргараф этиш ва шунингдек аҳолини информацион

Д. Нуриддинов сурати



Устюрт платоси чинкидан Орол денгизига кўриниш.

хабардорлигини ошишига олиб келиши керак. Қуйидаги натижалар кутилмоқда:

- 1) нефть-газ секторининг биохилма-хилликни сақлаш тизими билан бирлашиши учун сиёсий, қонунчилик ва институционал муҳитни таъминлаш;
- 2) Устюрт платосида нефть ва газ конларининг разведкасида биохилма-хилликни сақлаш тизимининг имкониятларини намоёниш этиш.

Лойиҳанинг бажарилиши жараёнида икки миллион гектардан ортиқ ҳудудда йўрға тувалоқ, жайрон, устюрт кўйи, қорақулоқ ва сайғоқ каби йўқолиб бораётган турлар популяцияларининг турғун сақланиши таъминланади. Ушбу лойиҳанинг узоқ муддатли мақсади нефть ва газ конларининг разведкаси бўйича ишлар биохилма-хилликка минимал салбий таъсир кўрсатиши ва бузилган экотизимларнинг тикланиши учун шароитлар яратишдан иборат.

Қўшимча маълумот олиш учун, атроф муҳит ва энергетика бўлими бошлиғи Абдуваккос Абдурахманов билан боғланинг.

[abduvakkos.abdurahmanovundp.org](http://abduvakkos.abdurahmanovundp.org)

А. Есимов сурати



Устюртнинг қишки пейзажи.

## SOS saiga! Сайғоқни қутқаринг – Уралда янги лойиҳа

“Сайғоқнинг урал популяциясини сақлаш муаммосига ўргатувчи тадбирлар ҳамда сайғоқ мониторингига маҳаллий аҳоли ва барча манфаатдор тарафларни жалб этиш йўли билан жамоа эътиборини тортиш” лойиҳаси МСОП SOS (Save Our Species) дастурининг молиявий кўмагида 2010 й. августида бошланди. Лойиҳа 2010 й. майда Уралда сайғоқларнинг ялпи қирилишига жавобан Сайғоқни сақлаш бўйича альянс ташаббуси билан ишлаб чиқилди (*Saiga News, 11кўр.*). Қозоғистон биохилма-хилликни сақлаш ассоциацияси (АСБК) ҚР ҚХВ Ўрмончилик ва овчилик хўжалиги кўмитаси (КЛОХ), Ғарбий-Қозоғистон областининг КЛОХ Худудий инспекцияси, қишлоқ акиматлари, мактаблар ва маҳаллий аҳоли билан шерикчиликда Қозоғистонда лойиҳанинг ижроси бўлади. Илмий қисми Лондон Империял Коллежи ва Урал университети билан биргаликда бажарилади.

Лойиҳанинг ахборот-таълим компоненти доирасида лойиҳа ҳудудида жойлашган қишлоқ мактабларининг ўқитувчиларига сайғоқ тўғрисида қўллаш бўйича методик тавсиялари бор дарслик, тур экологияси ва чўл экотизими бўйича таълим берувчи плакатлар тарқатилади. Бундан ташқари, Уралда АСБК талабалар клубининг аъзолари инспекторлар билан биргаликда лойиҳа қишлоқларида турли мақсадли гуруҳлар билан информацион учрашувлар ўтказдилар, материаллар тарқатиб сайғоқ тўғрисида фильм намойиш этадилар.

Яқунда Сайғоқ байрами ташкил этилади. Бу тадбирларнинг барчаси Қозоғистон чўллари такрорланмас ландшафтининг тирик тимсоли сифатида, сўнгги бир неча йил ичида инсон айби билан сони анча қисқарган, сайғоққа ғамхўр ва ҳаяжонли муносабатни шакклантиришга қаратилган.

Ўтказилган тадбирларнинг самарадорлигини баҳолаш учун лойиҳанинг бошланиши ва охирида, маҳаллий аҳоли орасида сайғоқни сақлаш муаммосига одамларнинг муносабати қанчалик ўзгаргани ҳамда бу турнинг экологияси ва чўллар экотизими бўйича билимлар даражаси қанчага ўзгарганини кўрсатиши керак бўлган, сўроқ ўтказилади.

Сайғоқ яшаш жойларига яқин яшайдиган маҳаллий аҳоли иштирокида сайғоқнинг мониторингини ўтказиш лойиҳанинг бошқа муҳим компоненти бўлади. Информацион кампания вақтида мониторинг ўтказадиган кузатувчилар номзодларининг аниқланиши кўзланади. Лойиҳа ҳудудида ўтказилган дастлабки учрашувлар вақтида барча манфаатдор тарафлар, жумладан акиматлар, мактаблар, инспекторлар ушбу лойиҳага катта қизиқиш кўрсатдилар ҳамда лойиҳанинг барча тадбирларида иштирок этиш ва уларни қўллаб-қувватлашга тайёрликларини билдирдилар.

*Қўшимча маълумот олиш учун, лойиҳа координатори Ольга Климанова [olga.klimanova@acbk.kz](mailto:olga.klimanova@acbk.kz) билан боғланинг.*

## Сайғоқни сақлаш бўйича альянс 2010 й. Кичик грантлар дастурининг ғолиб - лойиҳалари



Сайғоқни сақлаш бўйича альянснинг 2010 й. Кичик грантлар дастури WCN ва CISC молиявий кўмагида бажарилмоқда, бу тур яшайдиган мамлакатларда сайғоқ бўйича тўртта лойиҳани танлашга имкон берди. Дастур бюджети 2000 АҚШ долларигача бўлган алоҳида лойиҳаларни молиялаштириб, ёввойи табиатда сайғоқни сақлаш бўйича ҳаракатларни қўллади. Барча лойиҳалар Сайғоқни сақлаш бўйича КМВ Ҳамжихатлик меморандумининг Ўрта муддатли халқаро ишчи дастурининг бажарилишига аҳамиятли хисса қўшиши ва бу билан дастурнинг ўз вақтидаги ва амалда зарур деб топилган моддалари бўйича асосли ўзгаришларни кафолатлаши шарт.

Бу танловнинг асосий мақсади жойларда сайғоқни сақлаш бўйича кўмаклашиш тизимини қуриш. Танлов амалда ўзининг иши учун йирик НПО лардан халқаро молиявий ёрдам олишга имкони бўлмаган одамларга қаратилган. Олдинги ғолибларимиз АСС оиласига қўшилади деган ниятда, биз уларга доимий тармоқли ёрдам берамиз, уларга манбалардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлишга ва ишларини давом эттириш учун илҳомланишда ёрдам беришимиз мумкин. Бу йил турли мамлакатлардан турли йўналишлар бўйича тўртта ажойиб лойиҳа танланди.



**Фенглиан Ли** - WCS Жанубий Хитой дастурининг ходими, грантини 2009 й. Кичик грантлар дастурининг ғолиби Гуйхон Жан бошлаган, Хитой, Гуанчжоуда сайғоқ шохининг ноқонуний савдоси билан курашишга қаратилган ишни кенгайтиришга сарфлайди. (*юқор.қар.*).



Хусусан Фенглиан дастурининг вазифаларига Кинпин Анъанавий хитой медицинаси (АХМ) бозорида шохлар савдоси даражасининг мониторингини давом эттириш, савдога жалб этилган одамлар учун таълим дастурини ўтказиш ва АХМ билан ишлайдиган маҳаллий кучли тизимлар ишини қўллаб-қувватлаш киради. Гуйхон лойиҳаси Гуанчжоуда АХМ бозорида сайғоқ шохидан бўлган махсулотнинг ҳаммабоплигини ва нарҳларини аниқлади. Фенглиан савдо механизмини тўлиқ тушиниш ҳамда таълим ва қонунчилик фаолиятининг жойларини танлашни осонлаштириш учун бу махсулотнинг манбалари, йўллари ва элтиб беришнинг сўнги пунктини аниқлашни режалаштирган. Фенглианнинг иши амалий жиҳатдан муҳим, чунки у анъанавий етарлича эътибор қаратилмаган, нолегал савдо билан курашишга қаратилган.

**Гунбат Гунденсамбу** – “экология ва табиат муҳофазаси” ихтисослиги бўйича таҳсил олаётган, Мўғулистон Миллий университетининг магистранти. Мўғул сайғоғининг экологияси Гунбатнинг олдинги ишларида тадқиқ этилган ва унинг диплом ишига асос солади. Шунингдек у сайғоқни сақлаш бўйича WWF-Мўғулистон билан бирга ишламоқда.



Гунбат грантни мўғул сайғоғининг озука ерларини ва уларнинг чорва молларининг яйловлари билан қопланишини ўрганишга ишлатмоқчи. Турни сақлаш бўйича ҳаракатларга тўсқинлик қиладиган, озука ва сув учун сайғоқ ва уй ҳайвонлари орасида рақобат мавжудлиги тўғрисида тўла бўлмаган далиллар мавжуд. Бироқ бундай тадқиқотлар ҳозирча ўтказилмаган. Гунбатнинг Ғарбий Мўғулистондаги Шарга қўриқхонасида ўтказиладиган иши маълумотлардаги камчиликни тўлдиришга қаратилади, унинг натижаларидан, одамлар ва сайғоқларнинг бирга яшашини йўлга қўйишга ёрдам берадиган ердан барқарор фойдаланиш режаларини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин бўлади.

**Айзада Нурумбетова** – “Кеуил нуры” Қорақалпоғистонда аёлларни ижтимоий қувватлаш маркази директори, Ўзбекистон. Айзаданинг гранти маҳаллий аёлларни хунармандчилик махсулотларини ишлаб чиқишга ўргатиш йўли билан Устюрт платоси аҳолиси даромадларининг альтернатив манбаларини ривожлантиришга ишлатилади. Бу иш браконьерлик даражасини пасайишига таъсир кўрсатиши мумкин, чунки даромадларнинг кўшимча манбаини беради ва тушинишни оширади. Ўқишни ўтган аёллар посёлкалари ва оилаларида сайғоқни сақлаш тарафдорлари сифатида ҳаракат қиладилар. Бу лойиҳа Жаслик ва бошқа посёлкаларда аёллар хунармандчилик кооперативларини яратишга имкон беради.



**Павел Амосов** – Богдинск-Баскунчак қўриқхонаси директорининг фан бўйича ўринбосари, Астрахан обл., Россия. Павел қўриқхонада 2 йил давомида ишлаб келмоқда ва қўриқхонада яшайдиган умуртқали ҳайвонларнинг мониторинги учун жавоб беради. Илгари у университетда умуртқали ҳайвонлар зоологияси бўйича ўқитувчи бўлиб ишлаган ва бу ишини асосий ишига қўшимча қилиб давом эттирмоқда. Павел грантини Баскунчак қўли атрофида сайғоқларнинг сони, тақсимланиши ва миграция йўллари ўрганишга сарфламоқчи. Бу маълумотлар сайғоқларнинг кўчиб юриши вақтида муҳофазасини таъминлашда ва информацион материалларни ишлаб чиқишда қўлланилади.

***Ғолибларни табриклаймиз!***

# Янги нашрлар

Сингх Н., Милнер-Гулланд Э.Дж. ҳаракатчан ниёонни сақлаш: тақсимланишининг ўзгариши шароитида кўчиб юривчи турнинг муҳофазасини режалаштириш. // Амалий экология журналы, № 48, 2010, 35-46 б.

25 йиллик мониторинг маълумотларидан фойдаланиб, баҳорги тақсимланишда ўзгаришларни аниқладик ва иқлимнинг ўзгариши билан биргаликда безовталаниш даражаси ва сон ўзгаришининг таъсири шароитида муҳофазалаш учун ҳудудларни муҳимлаш мақсадида, Қозоғистонда сайгоқнинг бетпақдала популяциясининг зичлиги бўйича тахминлар қилдик. Илгари иқлимнинг таъсири кучлироқ бўлса ҳам, замонавий тарқалишга безовталаниш омили кучли таъсир кўрсатади.

Сўнги ўн йилликда энг қулай яшаш жойларининг парчаланиши белгиланган. Мавжуд бўлган ва таклиф қилинаётган АҚТХ(ООПТ) етралича комплиментар ва келажакда иқлим ўзгаришининг кўпгина сценарийларига мос тушади. Бироқ келажакда ярқли ҳудудларни самарали химоялаш учун режалаштирилаётган АҚТХ(ООПТ)ларнинг географик кўламини кенгайтириш зарур.



Ёш ургочи сайгоқ.

## Миннатдорчиликлар

Сайгоқни сақлаш бўйича альянс сўнги 6 ой давомида бизнинг фаолиятимизни қўллаган Чак ва Джуди Витлига, др. Марджори Паркерга, Джой Ковей ва унинг 5 ёшли ўгли Тэйлорга, Стивен ва Карин Чейзларга, др. Джим Сандерсон ва Джоан Моррисонларга, Линда Табор-Бека, Кент ва Глория Маршалларга, Сьюзан Комбсга, Майкл Хакеттга, Ким ва Кевин Никейненларга, СС Лобосга, Г. Евансга, Б. Рейнарца, Майкл Моппеттга, Грэм Элиот ва Н. Коллоредоларга миннатдорчилигини билдиради. Бизнинг азалиг дўст ва донорларимиз Кеннон ва Боб Хадсонларга WCN Кўргазмаси вақтида хусусий учрашувни таъкил этгани учун чуқур миннатдорчилик сўзларини билдирмоқчимиз. Шунингдек, ишимизда ёрдам бераётган WCN ва FFI ходимлари ва волонтерлари ҳамда Saiga Newsда нашр этиши учун WCN Кўргазмасидан суратларини тақдим этган сураткаш Мартин Варонга миннатдорчилигимизни билдираемиз. Ушбу сонни чиқишига ёрдам берган ташилотлар WCN, Мухаммад бин Зиёд фонди, WWF-Мўғулистон ва WWF-Хитойга миннатдорчилигимизни билдираемиз.

**Тахрир хайати.** Буюк Британия: проф. Э.Дж. Милнер-Гулланд [консультатив муҳаррир], Империял Коллеж Лондон ([e.j.milner-gulland@imperial.ac.uk](mailto:e.j.milner-gulland@imperial.ac.uk)); Қозоғистон: проф. А. Бекенов ва Ю. Грачев, Зоология институти ([teriologi@mail.ru](mailto:teriologi@mail.ru)); Хитой: Г. Цзян ва А.Кан, WCS Хитой ([gzhang@wcs.org](mailto:gzhang@wcs.org), [akang@wcs.org](mailto:akang@wcs.org)); Мўғулистон: Б. Лхагвасурен, ва Б. Чимеддорж, WWF-Мўғулистон ([lkhagvasuren@wwf.mn](mailto:lkhagvasuren@wwf.mn); [chimeddorj@wwf.mn](mailto:chimeddorj@wwf.mn)); Россия: А.Лушчекина, Экология ва эволюция муаммолари институти ([rusmabcom@gmail.com](mailto:rusmabcom@gmail.com)) ва проф. Ю. Арилов, Қалмоғистон Республикаси Ёвойи ҳайвонлар маркази ([kalmsaiga@mail.ru](mailto:kalmsaiga@mail.ru)); Ўзбекистон: Е. Бикова [ижрочи муҳаррир] ва А. Есипов, Зоология институти ([esipov@xnet.uz](mailto:esipov@xnet.uz)).

Олти тилнинг ҳар қандайда материал юборишингизни сўраймиз. Илтимос, уларни қуйидаги манзил бўйича [esipov@sarkor.uz](mailto:esipov@sarkor.uz), [saigaconservationalliance@yahoo.co.uk](mailto:saigaconservationalliance@yahoo.co.uk) ёки муҳаррирларнинг бирига юборинг. Бюллетень бир йилда икки марта чиқади. Инглиз ва рус тилидаги муаллифлар учун қодаларни [www.saiga-conservation.com](http://www.saiga-conservation.com) да топиш ёки муҳаррирлардан олиш мумкин. Агарда саволлар туғилса илтимос, Saiga News мамлакатингиздаги муҳаррири ёки ижрочи муҳаррир Елена Бикова ([esipov@xnet.uz](mailto:esipov@xnet.uz)) билан боғланинг.

Бу нашрни online [www.saiga-conservation.com](http://www.saiga-conservation.com), <http://saigak.biodiversity.ru/publications.html> ва <http://www.wildlifewardens.net/wcs/mini/Saiga-Chinese.pdf> да pdf форматида, ёки сўровнома бўйича каттик нусха кўринишида инглиз, қозок, хитой, мўғул, рус ва ўзбек тилларида топиш мумкин.